



ERKIN YURT

ЎХХ ФАОЛИЯТИГА ҲИССА ҚЎШМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ...



Бизга келаётган хабарларга кўра, Ўзбекистон Халқ Ҳаракати борган сайин халқимиз орасида кенг танилиб бормоқда. Бу аввало Ҳаракат гоё ва мақсадларининг халқимиз кундалик ҳаётига, орзғу ва истакларига мос келиши, қолаверса, замонавий алоқа воситаларининг ривожланиши натижасида инсонларимизнинг фаолиятимиз билан яхши таниш эканлигидандир. Шунинг диктатор Қаримов ва унинг малайлари ҳам ЎХХнинг халқимиз ичида кўпроқ танилишига ўз “ҳиссаларини” қўшмоқдалар. Яъни, улар ҳаракатимизни қоралагани сайин халқимизнинг бизнинг оқ ниятли ва амалли ҳаракат эканлигимизга ишончи ортиб бормоқда. Яқинда Ўзбекистон телевидениеси ҳаракатимиз фаолларини қоралайдиган фильмлар эълон қилди ва ўзбек матбуоти эса интернетнинг фейсбук, твиттер, однокласники каби социал (ижтимоий) тармоқларида “бузғунчи” кучлар фаолиятини ортиб бораётганидан инсонларни огоҳлантирди. Албатта золимлар “бузғунчи” деганда, аввало, ЎХХни назарда тутгани маълум. Бу кунларда биз билан мулоқот қилган бир ҳамюртимиз “мен ҳайронман, нега диктатура ҳукумати ҳам, ўзининг муҳолифат, дейдиганларга ҳам ЎХХга ёпишиб олишди. Нега ҳеч ким бошқа ҳаракатлар ҳақида гапиришмайди, фақат сизларга ташланишадими?”, деди. Унга ЎХХнинг асосий

муҳолиф ҳаракат эканлигини тушунтирдик ва бу биродаримизга ўхшаганларнинг кўпчилиги эканлигини назарда тутиб, ушбу мақолани эълон қилишни маъқул кўрдик. Хўш, Ҳаракатга қизиққан ва унинг фаолиятига ёрдам бермоқчи бўлганлар амалда нима қилишлари мумкин:

1. Мана бу анкетани (<http://www.uzxalqharakati.com/azolik>) тўлдириб, бизга юборишингиз ва шу шаклда ҳаракатимиз фаоли сифатида бизга ёрдам беришингиз мумкин.
2. Ушбу линк (<http://feeds.feedburner.com/uzxalqharakati/obuna>) орқали сайтимиз янгиликларига обуна бўлсангиз, унда ёритилаётган барча материаллар бевосита электрон манзилингизга келиб тушади ва сиз тезда улар билан бошқаларни ҳам танитиш имконига эга бўласиз.
3. Эркин Юрт (www.uzxalqharakati.com/erkinyurt) газетасини ўқиб, бошқаларга интернет орқали ёки бевосита тарқатишингиз мумкин.
4. Сайтимизга (www.uzxalqharakati.com) ва Туркистон ТВ радиоси (www.radio.turkiston.tv) дастурларига мақолалар юборишингиз, ўқишингиз, хабарлар юборишингиз мумкин.
5. Фейсбук (www.facebook.com/uzxalqharakati), однокласники (www.odnoklassniki.ru/uzxalqharakati), Мой мир (www.my.mail.ru/community/uzxalqharakati) твиттер ([\[twitter.com/uzxalqharakati\]\(http://twitter.com/uzxalqharakati\) \), \(\[www.youtube.com/user/turkistontv\]\(http://www.youtube.com/user/turkistontv\) \) каби ижтимоий тармоқларда ҳаракатимиз бўлимларига кира-кириб, у ерда баҳс мунозараларда қатнашиб, ҳаракатимизнинг гоё ва мақсадларини бошқаларга танитишингиз мумкин.

6. Сайтимизда ва бошқа сайтларда чиқаётган материалларга изоҳ ёзиб, ҳаракатимизнинг фаолиятини ёритишга ўз ҳиссангизни қўшишингиз мумкин. Нега биз бу ишларга аралашимиз, ЎХХнинг фаолиятига ёрдам беришимиз керак экан, деган саволга келадиган бўлса, аввало сиз бу билан Ҳақ ва адолатли ишга ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз. Қолаверса, сизнинг ўзингиз ва яқинларингиз истар-истамас Қаримов диктатурасидан зарар кўраётгани аниқдир. Бундай зарар моддий ва маънавий шаклда эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Масалан, бугун бу золим режимнинг зулмидан қочиб, бошқа давлатларга муҳожир бўлиб кетганларнинг сони 5 миллион кишидан ошиб кетди. Бу ҳамюртларимиз ўзга юртларда жуда қийин шартларда яшамоқдалар ва ишламоқдалар. Уларнинг кўпи ўз ота-оналари, бола-чақаларидан узоқда, ҳижрон дарди билан яшамоқдалар. Агар ҳаммамиз ЎХХ атрофида жипсалишиб бу золим режимдан қутуладиган бўлсак, албатта бундай ҳижронга барҳам берилади. Муҳими, Қаримов режими тугатилгандан кейин, унинг ўрнига эркин, адолатли, ҳамманинг ҳуқуқини таъминлайдиган жамият курилади. Ушанда, иншоаллоҳ, халқимизнинг бошидан бугунги зулм кўтарилиб, эркин ва дастурхони тўла-тўкин жамиятда яшаш учун ҳамма имконлар яратилади. Ушбу муносабат билан барча ҳамюртларимизни муборак Рамазон ойининг бошланиши билан қутлаймиз.

ЎХХ Ташкилий Ишлар Бўлими](http://www.</div><div data-bbox=)

БАЛАНДПАРВОЗ ПАСТЛИК

(“Халқнинг хотираси”

мақоласининг янгиланган версияси)

Совет даври ва мустақилликнинг илк кунларини камраган хотираларим – “Йўлнома” китобининг илк қисмини 1999 йилда чоп эттирдим. Воқеаларнинг зичлиги сабаб, мен учун иккинчи даражали кўринган воқеаларни китобга киритмагандим. Хусусан, Ёзувчилар Уюшмасидаги фаолиятимга оид даврнинг фақат сиёсатга алоқадор лаҳзаларинигина қаламга олдим, чунки камина учун Истиклол мавзуси бош мавзу эди. Аммо Ёзувчи Ғаффор Хотамовнинг “Тақдир ажойиботлари ёки Одил Ёқубов ҳақида” китобини интернетда ўқиб, “Йўлнома”да тилга олинмаган ёзувчилар ҳаётига оид баъзи изоҳлар қилишга эҳтиёж сездим. Интернет қўлланувчилари сони 9 миллионга етганига қарамасдан, Ўзбекистон ҳали ҳам бир нави Хабарлашувдан маҳрум қилинган бир бўлга сифатида қолишда давом этмоқда. Ёлғон, дезинформация ҳақ сўзнинг олдида асосий тўсиқ. Интернет оламида ёлғон ва дезинформация фақат ҳукумат эмас, ғаразгүй ва қораниятли кимсалар кўлида ҳам муҳим қуролга айланди. Ғ.Хотамовнинг “кисса”си – бир ибора билан айтиш керак бўлса – баландпарвоз бир пастликдир. Бу пастликда энг юксак калималар ҳам ғариб кўринади: ватан, юрт, ҳақиқат ва ҳатто диний калималар. Ушбу мақолада мен вазирамни кичик тутдим. Ғ.Хотамовнинг шахсимга қартилган иккита ёлғонига жавоб бермоқчиман. Биринчиси – Одил Ёқубов, иккинчиси Абулла Орипов билан муносабатларимизга оид. Кисса муаллифи (Ғ.Хотамов) ҳақда махсус ёзишга ҳожат йўқ, бу тоифа кишиларининг умумий портретини чизиш қулайроқ: булар ўзларини ўзбек адабиётининг ўзбек меросхўрлари деб билишади. Адабиётда миллийлик тарафдорлар, миллийликни эса, уларнинг фикрича, фақат қишлоқда туғилган ёзувчи тамсил этиши мумкин. Ўзларини жайдари ўзбек қилиб кўрсатишни ва бунинг исботи учун сўқиниб гапиришни севадилар. (Бу одатлари билан маънавий оталари Каримовга ўхшаб кетадилар). Адабий тотемлари ҳам шунга яраша – жайдари Одил Ёқубов, жайдари Шукшин ёки, дейлик, Распутин. Аммо широлари – замон сенга боқмаса, сен замонга боқ. Идеаллари – Комсомол мукофоти. Минбарлари – “Ёшлик” журнали. Яъни абадий ёш авлод, муттасил норасида зотлар. Бутун даврларда бахтиёр яшашни удалай олган, умрида изтироб чекмаган, фаровонликнинг тирик тимсолла-

ри. Лабларида 24 соат табассум, жанозаларда ҳам. Совет даврида бу инсонлар билан ҳеч ишим бўлгани йўқ, уларга истехзо ҳам қилмадим. Ёзганларимнинг бари реал ҳокимият соҳибларига қарши эди, уларнинг югурдақларига эмас. Шунга қарамай, камина бу инсонларнинг доим ғашини келтирганимни сезардим. Ўзини муҳолифатда деб билган, аммо зехнияти юкорида айтилган тоифага яқин биттаси мендан “Ўзини халқдан кўпроқ яхши кўради”, деб хафа бўлибди. Албатта, ўзини ёмон кўраман десам, ёлғон бўлади. Худди халқимни ёмон кўраман десам ёлғон бўлганидек. Аммо бир мусулмон сифатида ўз нафсимга, ундаги манфий жиҳатларга қарши баҳоликудрат мужодала этмоқдаман. Бу мужодала мустабид ҳукмдорга қарши қурашдан муттасилроқдир. Модомики, бу мавзуда ҳисоб бериш керак экан, берайин: уруш-жанжални севмайман, аммо 1984 йилда бошланган миллий кадрларимизга қарши хуружлар тенгдошларимиз қаторида мени ҳам уруш-жанжалга савқ этди. Бу ғавғода ҳеч қачон биринчи бўлиб ҳужум қилмадим, доим ҳужумга қарши мудофаа билан машғул бўлдим. 1984 йилдан бошлаб ёзган бутун мақолаларим мудофаа мазмунли матнлардир. Роббимга шукрлар бўлсин, У менга ҳеч қачон шахсий ташвишларимни тилимга олдирмади, доим халқимнинг дардини айттирди: мудофаа этаркан, халқимнинг манфаатларини мудофаа эттирди. Бу уруш фониди мен Ёзувчилар қотиблигига сайландим. Оллоҳ шохид, бу мақомга асло интилмадим, мени у ерга воқеалар тадрижи олиб борди. Кейин ЭРКка раҳбар бўлдим. Буни ҳам орзу қилмагандим, ватанимдаги шароит шу ишга киришишга мажбур қилди. Аммо бу мақолани ёзаркан, “мен” калимасини қўлланишга мажбур бўлаётганимдан хижолат чекмоқдаман. Халқ дарди эмас, нафсимни мудофаа қилаётганимга ғашим келяпти. Бугунча бу хил ёзувларга жавоб бермагандим, чунки муҳолифларимнинг ҳаммаси эл ичида шаллақилиги билан танилган кишилар эди, уларни мен айтмасам ҳам, одамлар яхши танирди. Бугунгиларга жавоб берайман, чунки бу кишилар халқ ичида “ёзувчи” сифатида билинади. (ёзувчига халқимизда ҳали ҳам ишонч бор). Бу тоифа шаллақилардан таҳликаликроқ, чунки булар инсонларга – гапирганда туфук сочадиган шаллақи тоифадан фарқли ўлароқ – лабида табассум билан мурожаат қилади. Ичлари зимистон бўлган ҳолда, беғуборлик ҳақда ваъз ўқийдилар. Буларнинг инсонлар ишончини суистеъмол қилиб,



қорани оқ, окни эса қора қилиб кўрсатишларига жим туриш мумкин бўлмади. (Айни онда буларни ёзаркан, мени бу инсонлар ҳолига туширма, эй, парвардигор, дейман. Чунки баъзан жўшиб кетиб, ёлғон сўйлаб қўйишдан бизни ҳеч ким қафолатмай олмайди. Илҳом келганда, чиройли сўзлар билан муболага айтиш таҳликаси доимо мавжуд. Шу боис, илҳомнинг тойинчоқ йўлидан кўрқаман, чиройли гапдан, ғўзал ташбиҳдан кўрқаман. Ифода этилган ҳар калимани ўлчашга маҳкумлиқ ҳам шундан. Чунки ҳар калима учун жавоб берилишини биламан). Аммо “халқимни ўзимдан яхшироқ кўраман” дея кўкрагига урганлардан “халқинг учун нима қилдинг?”, деб сўралса, берадиган жавоби йўқлигини ҳам биламан. Масалан, ким халқини севиб, кимнинг севмаслигига ҳакамлик қилаётганлар 1984 йилда (Черненко даври) улар севган халқ ҳимоясига ёзилган “Политбюрога ҳат”га имзо қўйишдан кўрқиб, биздан яшириниб юрган пайтларини эсласалар, балки ҳовуридан тушган бўлардилар. 1988 йилда (Горбачев даври) гапириш учун тепадан рухсат келганда, булар тиллари бийрон, бизни “ҳукуматга сотилди, ўзини халқдан кўпроқ яхши кўрди”, дея айнан айблашганди. Булар ҳеч ўзгармади. Сочлари оқарган, аммо ичлари аввалгидай. Алхамдулиллоҳ, У мени доим заифлар тарафини олдирди, кучлиларга ёлтоқлик эттирмади. Халқимни севаман, дейишга жасоратим йўқ, аммо халқи ва юрти хуррияти учун бир кишининг тўлаши керак бўлган бадални тўладим, менинг тўлай олмаганларимни укаларим тўлапти Ўзбекистон турмаларида. Шундай бир шароитда, бу зулм асрида бизлар ўзаро нафратга эмас, ўзора севги ва ҳурматга муҳтож эдик. Аммо бу йўқ, нафрат бор дастурхонимизда. Тепамиздаги Золим ўша нафратнинг моддийлашган шаклидир. Бу нафратнинг манбаи қаерда? Бизнинг мисолимизда бу нафратнинг психологик мотивини икки қисмга айириш мумкин.

(Давоми 12-бетда)



25 июл куни кечкурун Тошкент вилояти, Янгийўл тумани Тинчлик посёлкасида Ўзбекистон ҳуқуқ ҳимоячилари альянси фаоли Акромхўжа Муҳиддинов ўлдирилди.

“Уни бандитлар ўлдирди”, дея хабар берди бугун ҳамкасбининг жанокасига келган ЎХХА лидери Елена Урлаева телефон орқали. Урлаева Муҳиддинов қариндошларининг сўзларига асосланиб қотиллик тафсилотларини сўзлаб берди. Ҳуқуқ ҳимоячиси чоршанба куни кечкурун Тинчликдаги ўз уйи ёнида хотини ва кизини кутиб ўтирган. Соат 21ларга яқин унинг ёнига Маҳмуд исмли маҳаллий фуқаро келган ва нима учундир посёлка марказига таклиф қилган. Бу ерда Муҳиддиновга бир неча киши ташланган ва калтаклашни бошла-

ЯНГИЙЎЛДА ҲУҚУҚ ҲИМОЯЧИСИ МУҲИДДИНОВНИ ЎЛДИРИШДИ

ган. Кейин орқа томондан жигарига пичоқ билан уришган.

Муҳиддинов касалхонага олиб кетилаётганда йўлда ўлган. Воқеага Тинчликда яшовчиларнинг кўпи гувоҳ бўлди. Милиция ҳуқуқ ҳимоячисини “разборка”га чақирган Маҳмудни ва 1992 йилда туғилган қандайдир Мирислонни дарҳол қўлга олди. Пичоқни урганликда гумон қилинаётган Мирислоннинг отаси яширинишга муваффақ бўлган.

Муҳиддинов ўлдирилганлиги ҳақидаги хабар ўзбекистонлик ҳуқуқ ҳимоячиларини шокка солди. “Муҳиддинов яқинда фермерлар ҳимояси билан боғлиқ ишни ютди, жуда хурсанд эди”, дея қайғу билан гапиради ЎХХА лидери Елена Урлаева. У Муҳиддиновнинг ўлдирилиши ҳуқуқ ҳимоячилиқ фаолияти билан боғлиқ эканлигига ва буюртма бўлганлигига шубҳа қилмаяпти.

Муҳиддинов етти йил олдин ЎХХА аъзоси бўлди. “Акромхўжа Муҳиддинов ёши катта бўлишига, юрак оғриғидан азоб чекишига, ўпкалари оғришига қарамасдан у

ҳуқуқ ҳимоячилиги билан фаол шуғулланди”, дейди Урлаева. Муҳиддинов кўркмасдан ўз туманидаги экология муаммоларини кўтарди, ўтган йил Янгийўлда тарқалган холера касаллиги ҳақида биринчи бўлиб хабар берди, унинг сабабларини аниқлади. Ўз мамлакатдошларини ҳукумат безориликларидан ҳимоя қилган Муҳиддинов пикетларда қатнашишдан кўркмади ва ҳатто унинг ташаббусчиларидан бўлди. У болалар меҳнати ва бошқа турдаги инсон ҳуқуқлари бузилиши фактларини аниқлаш бўйича кўплаб рейдларда қатнашди ва бунинг учун уни бир неча маротаба ёлланган безорилар ва провокаторлар калтаклашди. Муҳиддинов ёши катта бўлишига қарамасдан доимо ўқиш билан шуғулланди, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро тренингларида қатнашди. “Биз ҳамкасбимиз ўлими билан қайғу чекиб қолмаймиз, биз ҳукуматдан бу жиноятни синчиклаб ўрганишни ва айбдорлар қаттиқ жазо олишларини талаб қиламиз”, дейди Елена Урлаева.

ҚАШҚАДАРЁДА ПАХТА ТЕРИМИ ҲАР ЙИЛГИДЕК СЕНТЯБРЬ ОЙИНИНГ БОШИДА ЭМАС, АВГУСТНИНГ СЎНГИ ДАҲАСИДАН БОШЛАНАДИ

28 июль куни Қарши шаҳридаги 2 сон поликлинасида тиббиёт ходимларининг кутилмаган йиғини бўлиб ўтди.

Мазкур поликлиника тонг маҳалидан одамлар билан тирбанд эди. Шу куни бу ерга келган беморлар шифокорларнинг йиғини қачон тугашини кутиш билан овора бўлишса, шифокорларнинг ўзлари эса бу йилги муҳим тадбир – пахта терими мавсумида қандай иштирок этишлари ҳақида кўрсатмалар олишарди. Шаҳарнинг барча тиббиёт соҳасида фаолият кўрсатадиган ходиму ходималари ташриф буюришганди бу тадбирга.

Шифокорларнинг бу мажлиси одатдаги “пятиминутка” каби ярим соат эмас, балки икки соатдан ортиқроқ вақт давом этди. Ва алоқ оқибат, ниҳоясига етди ҳам.

Мазкур поликлиникада ишлайдиган тиббиёт ходималаридан бирининг айтганига кўра, йиғин мутлоқ 20 август кунда бошланиши кутилинаётган пахта терими мавсуми билан боғлиқ бўлган.



“Янги ҳокимнинг ташаббуси билан пахта териш энди то декабрь ойигача давом этар экан”. - аниқлик киритди тиббиёт ходимаси. Демак, пахта мавсуми бошланишига ҳам санокли кунлар қолди.

Эндиликда ҳар терим ҳар йилгидек сентябрь ойининг бошидан эмас, балки август ойининг сўнги даҳасидан бошланади. Бунинг боиси билан қизиққанларга эса совуқ кунлар бошланиб қолмасидан пахтани териб олиш учун шундай қилинаётганлиги билдирилмоқда.

Албатта пахта мавсуми август ойининг охиригача ўн кунда бошла-

нишини шундай изоҳлаш мумкин, бироқ терим декабрь ойигача давом этиши нимани англатади? Шифокорлар одатда пахта шийпонларида теримчиларнинг саломатликларини муҳофаза қилиш билан машғул бўлишади.

Ҳамшира ва санитаркалар эса олдиларига этак тутиб пахта терадилар. Республикада пахта йиғим-терими машиналарининг етишмаслиги, ёки мутлоқ йўқлиги боисидан теримга ёшу қари, баробар жалб этилиши Советлар давридан одат тусига кириб қолган.

Ҳар неки, Совет даврида сифатсиз ва оз бўлсада, пахта териш машиналари бор эди. Бу йилги мавсумда болалар меҳнатидан унумлик фойдаланиладими, ёки йўқ, ҳозирча маълум эмас.

Аммо болалар тагин далаларга ҳайдалмаслигини Ўзбекистон шароитида тасаввур қилиб бўлмайди.

Гулшан Қораева.
УИХЖ, Қашқадарё вилоят
бўлими раиси

ИМОМНИ КИМ ОТГАН?

Шу йилнинг 22 феврал куни имом Обидхон Собитхонийга нисбатан амалга оширилган суиқасдга ёрдам берганликда гумонланаётган ўзбекистонлик эр-хотин Остерсунд туман суди тарафидан озод этилди. Сабаб – ким отгани номаълум. “Тергов жараёни ўзбекистонлик эр-хотинни Обидхон Собитхонийга нисбатан амалга оширилган суиқасдга ёрдам берганликларини кўп томонларини кўрсата олган” дейилади пайшанба куни эълон қилинган суд қарориди. Аммо улар ёрдам кўрсатган

одам хануз озодликда ва бу шахс ҳақиқатан ҳам қўлига қурол олганлигини айблов томон исботлаб бера олмаган. Бундан ташқари, ҳодиса жойида топилган тўппончадан суиқасд жараёнида фойдаланганлиги ҳақида ҳам исбот йўқ. “Ҳозир бу шаклдаги фактларни маҳкама хуш кўрмайди, айбловга кўра, бу ишни юқорирок инстанцияга чиқарилишига сабаб бордир, аммо тасдиқланган айблов билангина” дейилади суд қарориди. Маҳкама аҳоли хавфсизлигини таъминловчи ташкилотлар фаолиятига

нисбатан ҳам танқидий ёндошган, чунки бу суиқасд Обидхон Собитхонийнинг айнан инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва демократия учун олиб борган сиёсий фаолияти билан боғлиқдир. “Бирлашган Миллатлар ташкилоти томонидан қочқинлик мақоми берилган шахс бошпана бериш қафолатини олган мамлакатда етарли даражада яхши ҳимояланмагани таажубли ва қайғули ҳолдир” дейилади суд қарориди. Marcus Berglund marcus.berglund@op.se Ostersund posten газетаси

Тўлқин Қораев таржимаси



Бугун ўзбек халқининг таниқли диний уламоларидан бири бўлган Обидхон қорига қарши уюштирилган жиноят иштирокчиларининг озодликка қўйиб юборилганини эшитиб, ларзага тушдим. Мен аминманки, агар ўзбек бўлмаган (“муслмон бўлмаган” демайман, чунки, бошқа миллатга мансуб муслмон жамоа аъзолари ҳеч қачон

ШВЕЦИЯ МАҲКАМАСИНИНГ АДОЛАТСИЗ ҚАРОРИГА МУНОСАБАТ

ўз раҳбарларига қарши уюштирилган суиқасдчилар ҳақда маҳкама бундай қарор чиқаришига рози бўлмаган бўлардилар) бир одамга қарши мана шундай жиноят уюштирилганида, жиноятнинг исботини ҳам топишган бўларди, жиноятчиларни бир умрлик қамоқ жазосига ҳукм ҳам қилишган бўларди. Бу жиноятчиларнинг кўйиб юборилишида ўзбекларнинг пассивлиги катта роль ўйнади, деб ҳисоблайман. Бутун дунёда қонунлар ва ҳатто маҳкама қарорлари ҳам, асосан, жамоатчилик фикри асосида чиқарилади. “Ийғламаган болага нафақат сут” берилмайди, балки,

адолатли маҳкама қарори ҳам чиқарилмайди. Биз, ўзбеклар, айниқса, “сиёсатга арлашишни” истамай, ўз тақдирларининг кимлардир тарафидан белгилаб берилишини кутиб ётадиганлар, шу жумладан, шундай кайфиятдаги диндорлар ҳам бу хусусда, бугунги воқеликни ҳисобга олган ҳолда, ўзларига аниқ-тиниқ бир хулоса чиқариб олишлари лозим. Бугун “Сиёсий Исломи” ҳақида тобора кўпроқ фикрлар айтилмоқда, бизнинг диний жамоаларимиз бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўришлари учун фурсат етмадими?

Мақсуд Бекжон

УСТОЗИМИЗ ОБИДХОН ҚОРИ АКАГА АТАЛГАН ШЕЪРЛАР

Беш ой ўтди... Мана, келди Рамазон, Кутмоқдамиз, аммо сизсизмиз ҳамон. Оламга ҳар куни офтоб чиқару Лекин гўё ҳечам боқмас биз томон. Йигирма икки йил ўтди-ю кетди, Шу кун туғилганлар вояга етди. Кимга кўп, кимга кам – Исломи аҳлига Яхшилигингиздан насиба етди. Илм ва маърифат, Исломи ва иймон Маслагингиз эди Сизнинг ҳар замон. Бизни руҳлантириб, Сиз айтган сўзлар Қалбларда жаранглаб турар ҳар қачон. Ўргатдингиз бизга Исломи, иймонни Тушунтирдингиз ҳадис, Куръонни. Синовлар келганда эслатардингиз, Саҳобалар сабот кўрсатган онни... ***

Ҳадисдан эҳтимол кўплар хабардор: Олим учун Пайғамбардан мерос бор! Расулу набийлар илм қолдирган, Мерослари эмас дирхаму динор! Билардик, олимлар анбиёлардек Аллоҳнинг динини етказди, лек Билмаган эканмиз, кўп синовлар ҳам Олимга келаркан, пайғамбарлардек. Шундай... Пайғамбарлар эди муҳожир, Эмасдилар дунё истаган тожир.

Аллоҳнинг динига даъват қилсалар, Қуварди уларни фосику фожир. Яъқубнинг қалбини этиб садпора, Йўқолиб қолганда Юсуф бечора, Сабр-ла кутдилар, йўл пойладилар. Аллоҳдан синов бу ўзга начора. Пайғамбарлар отаси ҳазрат Иброҳим Дердилар доимо: Аллоҳ – илоҳим! Ҳатто шоҳ Сорани асир олса ҳам, Дедилар: Нажот бер ўзинг Аллоҳим! Пайғамбарлар тинмай кўрарди озор, Золимлар уларни қакшатарди зор. Ҳатто азм этдилар истаб ўлдирмоқ, Шунчалик Иймондан эдилар безор. ***

Золим кўп интилди ойлару йиллар, Машъум фитналарга бирлашди тиллар. Сизни ҳибс этмоқ ё йўқотмоқ-чун, Жосус-айғоқчилар кезди манзиллар. Йиллар ўтди, кўп фитналар тузилди. Ўн тўрт йил. Режанинг кўпи бузилди. Бир кун келиб сизни туткун қилмоқдан Мальунлар қалбида умид узилди. Золим ғазабланди, бўлмади кўнгли тўк Буйруқ берди: Тезда ҳозирлангиз ўк! Минглаган мил нари, узок юрт сари Қотилин юборди қилмоқ учун йўқ. ***

Тақдир... Дунё бизни ғафлатга солди, Манфур ортингиздан ўқ ота олди. Пасткаш ўққа қалқон бўлолмай юрак Эзилиб, умрбод армонда қолди. ***

Ёш-кекса қилмоқда дуо-илтижо, Умидворлик, ишонч қалблардадир жо. Сизни йўқотгандан ўксинган диллар Шифони Аллоҳдан этади рижо. Соғиндик... Интиқлик ила кутамиз, Соғинч ёшларини ичга ютамиз. Аллоҳ шифо берар, Қори ака ҳам Соғаярлар, дея умид этамиз. ***

Мактубим сўнггида айтар сўзим бор, Улуғ пайғамбардан саҳиҳ ҳадис бор: Осмону ердаги бутун махлуқот Олимнинг ҳақкига айтар истиғфор. Аллоҳ, фаришталар, аҳли ер само, Индаги чумоли унсиз, бесадо, Инсонларнинг олим устози учун Яхшилиқ сўрабон айтадир сано. Булар ҳам майли-ку, бошқа бир гап бор, Билингиз, олимга Аллоҳ Ўзи ёр! Аллоҳнинг дўстига ким душман бўлса, Раббим уруш очиб, уни қилур хор! Ҳабибуллоҳ Асад



Муборак Рамазон кунларида сайтимизнинг азиз мухлислари учун туҳфамиз бор. Бугундан эътиборан шоир ва сиёсатчи Муҳаммад Солих тайёрлаган “Пайғамбарлар тарихи” китобини эътиборингизга ҳавола қилиб борамиз. Куйида ушбу китобнинг муқаддимасида ўрин олган шоир Максуд Бекжон қаламига мансуб сўзбошини келтирамиз: “Пайғамбарлар тарихи” китоби ва унинг тузувчиси ҳақда **Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм** Мана, энди кўлимизда Муҳаммад Солих тайёрлаган, Ўзбекистон тарихида ва ўзбек тили тарихида илк бор чоп этилаётган 4 жилддан иборат “Пайғамбарлар тарихи” китобини тўтиб турибмиз. Бунгача ўзбек тилида бугун пайғамбарлар тарихи бундай тўла ва яхлит шаклда ҳеч чоп этилмаганди. Бу йўналишда ўзбек тилида кичик ҳажмдаги Рабғузийнинг (13-14 аср) “Қиссасул анбийе” ва Алихон Тўра Соғунийнинг (1885-1976) пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) тарихига оид “Тарихи Муҳаммадия” китоблари мавжуд эди, холос. Муҳаммад Солих тайёрлаган бундай бир китоб эса бугунги кунда фақат Ўзбекистонда эмас, собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида ҳам ҳеч бир тилда мавжуд эмас. Бутун пайғамбарлар тарихини қамраб олган ушбу китобнинг ўзбек тилида пайдо бўлишини ўзбек жамияти маънавий ҳаётида сўнгги йиллар ичида юз берган энг катта воқеалардан бири, дейиш мумкин. Аслида, халқимиз маънавияти учун улкан аҳамият касб этган бундай китоблар хорижда эмас, балки, мамлакат ичкарасида, Ўзбекистоннинг ўзида чоп этилиши керак эди. Рамзий маъно ташиган бундай фавқулодда воқеаликни ҳатто (шундай вазиятнинг юзага келишида асосий роль ўйнаган) диктатор Каримовнинг ўзи ҳам илғаган, шекилли, мажлислардан бирида у мулозимларига қарата: “Мамлакатдан олтин бошлар чиқиб кетиб, фақат олтин тишлар қолган кўринади, а?”, дея захарханда қилган экан. Таассуфлар

“ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ” БИЗНИНГ РАМАЗОН ТУҲФАМИЗ!

бўлсин-ки, бугун ўлкамиз асрлардир шараф билан кўтариб келган ўзининг “Маънавий Ўчок” мақомини йўқотиб, ўрнига “Маънавий Крематорий” мақомини олди, ўлкадаги маънавият том шайтоний бир режа билан, иблисона бир изчиллик билан куйдирилмоқда, маҳв этилмоқдадир. Шу маънода, ватанимиз бугун маънавият тарқатишдан кўра, ўзи маънавиятга муҳтож бир минтақага айланиб қолди, десак, сира лоф бўлмайди. Бундай шароитда “Пайғамбарлар тарихи” сингари китобнинг хориждан Ўзбекистонга кириб боришини фақат зулматга йўналган бир нур сифатида баҳолаш мумкин. “Пайғамбарлар тарихи” китобининг аҳамияти

Пайғамбарлар тарихига инсоният тарихининг бир парчаси деб эмас, балки, аксинча, бутун инсоният тарихига Пайғамбарлар тарихининг бир парчаси деб қараш тўғри бўлади. Чунки, дунё халқларининг тарихи, маданияти, маънавияти ва фалсафаси у ёки бу шаклда доимо дин атрофида айланган ва давлатчилик асослари ва ғоялари доимо диний заминларга қурилгандир. Инсонлар замонлар оша кибр билан писанда қилиб келган Илм ва Тараққиёт тантанаси, аслида, Аллоҳнинг битмас-туганмас қудрати ва инсон кўзи учун абадул-абад очилмас сир-асрорларига ўқилган мадҳиядан бошқа нарса эмасдир. Илм-фан юксалгани сайин инсонлар Аллоҳнинг ҳақиқатиغا тобора яқинлашмоқдалар, бугун илм-фан соҳасида ўтказилаётган энг сўнгги тадқиқотларда “худо” сўзи (“худонинг занжири”- «god particle») бежиз ишлатилаётгани йўқ. Ушбу китобда Қурьони каримда номлари зикр этилган барча пайғамбарлар кечмиши ҳақда ҳикоя қилинади. Тарих Одам алайҳиссаломдан бошланиб, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаёти билан якунланади. Китобнинг учинчи ва тўртинчи жилдлари пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам тарихига бағишланган бўлиб, бу тарих энг муфассал шаклда ёзилгандир. Китобдаги маълумотлар Қурьони карим оятлари, Ҳадислар, Пайғамбаримизнинг асҳоб ва тобиинлари берган гувоҳликлар ва ислом дунёсининг буюк алломалари асарларидан тўплангандир. Китобдаги ҳар бир пайғамбар тарихи якунида кенг библиографик манбалар рўйхати берилгандир, келтирилган библиографик манбалар сони шу қадар кўпки, баъзи ҳолларда матннинг ҳар икки ёки уч сатрига биттадан манба кўрсталади ва бу жиҳат китобнинг илмий базаси нақадар мустаҳкамлигини намойиш қилиб туради. Китобнинг замона-

вий ўқувчи тарафидан истеъмол қилиниши нуқтаи назаридан, техник жиҳатдан яна бир устунлиги – унинг шу мавзудаги тарихий асарларга хос бўлган архаизм ва эскирган, зерикарли, жимжимадор таъриф услубидан ҳолилигидир. Китобнинг тузувчиси ҳақда “Пайғамбарлар тарихи” китобининг ўзбекча тайёрлаб, чиқарилиши - жамиятимизнинг маънавий ҳаётида ўпқондай қорайиб турган кемтикни тўлдириш йўлида отилган катта одимдир. Шу маънода, бу китобни бир максималист инсоннинг қилган энг хайирли иши деб ҳисоблаш мумкин. Нега максималист? 1980 йилларнинг бошларида ёзувчи Темури Пулатов менга

Муҳаммад Солихнинг шахс ва ижодкор сифатини характерлайдиган ўз кузатишини айтиб

қолди, тўғрироғи, кузатиш ҳам эмас, балки бу “рационал” иш қилишга ўрганган одамнинг “иррационал” киши ҳаракатлари олдидаги хайратини эди. “Солих фанатик экан-ку, нашриётлардан биронтаси ҳам унинг Франц Кафкани таржима қилиб, чоп этиш ҳақдаги таклифини қабул қилмаган бўлса ҳам, у: “мен Кафкани барибир таржима қиламан”, деб таржимада давом этяпти”, деганди Темури Пулатов. Аслида, Муҳаммад Солихни билганлар учун унинг бу “фанатик”лиги хайратланарли бир нарса эмас, чунки, Совет даврида “замон сенга боқмаса гар, сен ҳам боқма замонга” дея шеър ёзган бир инсоннинг бошқача йўл тутишини тасаввур қилиш қийин. Эзгу ишларга йўналган бундай “фанатик”лик, юртимизда нодир ва ўрнатма арзигулик бундай “мутаассиблик” Муҳаммад Солих ҳаёти ва ижодининг ёрқин қирраларидан биридир. Муҳаммад Солих характеридаги бундай максимализм у ватанини тарқ этишга мажбур бўлиб, дунё кеза бошлаганида ҳам йўқолгани йўқ. У муҳожирликда ўз сиёсий фаолиятини давом эттириб, ўлкамизда ҳукм сураётган мустабид тузумга қарши курашар экан, айти пайтда, бу китобларнинг чоп этилиши ва Ўзбекистонда тарқатилишига деярли ҳеч қандай умид бўлмаган энг оғир пайтларда ҳам, ўз сиёсий мақолаларини ёзиш баробарида ҳеч иккиланмай, Мусанниф Аҳмад Зиёвуддин Гумушхоназининг “Ҳадислар дарёси” (Рамуз-ал-аҳодис) китоби таржимасига қўл урди ва уни муваффақиятли тарзда якунига етказди. Аллоҳ “Пайғамбарлар тарихи” китобини тузган ва бу ишга бош қўшган бошқа барча биродарлардан рози бўлсин. Максуд Бекжон, “Пайғамбарлар тарихи” китобининг 1-жилдини ушбу линкдан юклаб олишингиз мумкин: http://uzxalqharakati.com/books/PT_01.pdf



ОФФШОР ҲУДУДЛАРДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ 23 МИЛЛИАРД ПУЛИ БЕКИТИЛГАН

McKinsey молиявий консалтинг ширкатининг собиқ бош иқтисодчиси Жеймс Ҳенри томонидан Tax Justice Network гуруҳи учун ҳозирланган янги ҳисоботда шундай рақам келтирилади. Дунёдаги оффшор ҳудудлар, ўз мамлакатда қонуний ёхуд ноқонуний топишган пулларни солиқдан бекитиш учун нақ жаннатнинг ўзи. Бугун оффшор ҳудудларда солиқ тўланмаган 21 триллиондан 32 триллионгача бўлган маблағ сақланмоқда. Бу эса, дунёнинг энг қудратли иқтисоди саналмиш АҚШ ялпи ички маҳсулотидан икки барабар кўпдир. Ўзи йиллар давомида дунёнинг супербойлари ва бой ширкатларига молиявий маслаҳатчилик қилиб келган Жеймс Ҳенри бу рақамни Халқаро келишувлар банки, Халқаро валюта жамғармаси ва хусусий сектор таҳлилчиларидан йиғилган кўрсаткичлар асосида тўплаган. Бу рақамлар эса, дунёнинг супер бадавлат шахслари, хусусан камбағал давлатлардаги миллий бойликларни ўзлаштириш ҳисобига бойиганларнинг бу пулларни халқаро молиявий тизимдаги оффшор деб аталмиш ёриқда бекитишга муваффақ

бўлаётганларидан бонг уради. Дунёнинг иқтисоди тараққий қилган Катта Йигирмалиги раҳбарлари солиқ тизимларини шаффофлаштириш мақсадида оффшор ҳудудларни қайта кўриб чиқишга аҳд қилган бўлса-да, Жеймс Ҳенри оффшор ҳудудларнинг ҳамон манбаси шубҳали пулларни солиқдан олиб қочиш учун мислсиз имкон бўлиб қолаётганини таъкидлайди. Бойларнинг ўз давлатларига тўламаётган солиқлари миқдори эса, ҳисоботга кўра, йилига 189 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Кейинги 40 йил ичида оффшор ҳудудларга чиқарилаётган солиққа тортилмаган пуллар ҳаракатини таҳлил қилган Жеймс Ҳенри, бу жараённинг 90-йиллардан бошлаб янги даврга кирганини таъкидлайди. Дунёнинг энг қудратли империяси СССР кулаб, унинг табиий захираларга бой давлатларида ялпи хусусийлаштириш жараёни бошлангач, оффшор ҳудудларга қуйилаётган пуллар оқими янада кучайган. Бунинг оқибатида, Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон каби нефт ва газга бой давлатларда солиқ тизимларидан бекитилган пуллар миқдори осмонга ўрлаган. 2012 йилга келиб, оффшор ҳудудларда сақланаётган пуллар бўйича биринчиликни эгаллаб турган Хитойдан 1 триллион 189 миллиард доллар миқдорига пул солиқдан бекитилган бўлса, Рос-

сия бу борада 798 миллиард доллар билан иккинчиликка чиқди. Марказий Осиёда бу борада биринчиликни эгаллаган Қозоғистондан оффшор ҳудудларда 138 миллиард доллар пул бекитилган бўлса, кейинги 17 йил ичида Ўзбекистондан солиққа тортилмасдан, оффшорга чиқарилган пул миқдори 23 миллиард долларни ташкил этган. Бу ҳисоботдаги рақамлар кейинги 30 йил давомида оффшор ҳудудларда дунёнинг ақл бовар қилмас бойлиги тўплангани ва солиқ тўланмаган бу триллион, миллиардларнинг бир ҳовуч супербойларнинг оффшор ҳисобларига жойланганини кўрсатади. Жеймс Ҳенри ҳисоботида қайд этилишича, оффшор ҳудудларда дунёнинг турли давлатида яшовчи 10 миллион одам бойликлари жамланган. Айни пайтда, энг камми 21 триллион деб тахмин этилаётган бу бойликнинг тенг ярми, 7 миллиард одам яшаётган ер юзидаги атиги 92 минг одамга тегишлидир. “Бугун оффшордаги ана шу улкан бойликларни қандай қилиб солиққа тортиш ёки бу пулни олиб чиққанларни уларни ўз бирламчи ватанига сармоя сифатида қайта киритишга рағбатлантириш механизмини топа олсак, бу солиқ тизимида адолат ўрнатилиши ва бугунги дунёнинг қатор жиддий муаммоларига ечим топилишига хизмат қилган бўларди”, дейди ҳисобот муаллифи Жеймс Ҳенри.

ЎЗБЕКНИНГ БЕКЛИГИ ҚАНИ?!

Андижоннинг Марҳамат шаҳри марказидаги “Ўзбекистон” маҳалласи посбони аёл киши эканлигини эшитиб, «ҳа энди, эркакларнинг ҳаммаси чет давлатларга ишлагани чиқиб кетган бўлса, посбон топилмагандир-да», деб ўйладик. Аммо, батафсил маълумотларни олгач эса... ёқа ушладик. Маҳаллага посбон этиб тайинланиши учун Низом талабига кўра ҳарбий хизматни ўтаган, маҳаллада ўз ҳурмат – эътиборига эга бўлган йигитлардан танлаб олиниши лозим экан. Мазкур маҳаллага ўз сўзини ўткази оладиган ва, ҳатто, маҳалла фуқаролар йиғини раисини “ўтиргизиб – тургазадиган” аёл – Қория Каримова маҳалла посбони этиб тайинланган. Бу аёлнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасида обрў-эътибори шу қадар зўр-ки, муқаддам фоҳишахона очганлиги учун Ўзбекистон Жиноят кодексининг 131-моддаси 1-қисми билан ҳамда қалбаки хужжатлар ва бланкалар тайёрлаганлиги учун Жиноят кодексининг 228-моддаси 1-қисми билан жиноий жазога тортилган. Марҳамат туман ҳокимлиги ва ҳуқуқ-тартибот идоралари, чамаси, ана шу “сифатлар”ни эл-юрт ичида ҳурмат – эътибор топиш деб баҳолаган, шекилли. Маълум бўлишича, шаҳар марказидаги бутун кўп қаватли турар –

жойлар унинг шахсий назоратид. Кўни –қўшнилари у билан қўшничиликдан ҳазар қилиб уйлари сотишга тушишган. “Машҳур” қўшни кимлигини билгач, ҳаридорлар орқаларига қарамай қочишади. Шу тарика Қория Каримова ёнидаги квартираларни сув текинга – олти миллион сўмга сотиб олади. Уй эгаси эса йиғлаганича кетаверади. Акс ҳолда, Қория “посбон”нинг “Хоҳласанг шу. Мендан бошқа биронтага сота олмайсан!” деган ҳуқуқига бўйсуниб, уйни бепул ташлаб кетишидан бошқа чораси ҳам қолмайди. Каримова Қория хонадонлардан тўрттасини шундай йўллар билан “сотиб олиб”, енгилтак аёлларни жойлаштириб, уларнинг ҳар биридан кунига эллик минг сўмдан даромад топади... Аҳоли ўртасида Қория Каримова олдида судларнинг ҳам, бошқа ҳуқуқ идораларининг ҳам “тили қисик”, унга ҳеч ким мушугини «пишт» дея олмайди, деган иддао ҳуқуқрон. Бежизга эмас экан. Дарҳақиқат, ички ишлар бўлимидан аввал унга “рейд борлиги” ҳақида хабар етказилиб, “қизларини” кўздан пана қилиб туришини сўрашади, сўнг “облава” қилишади. Энг кизиги, мазкур рейдга Қория Каримованинг ўзи бош бўлиб ҳуқуқ тартибот идоралари ходимларига хонадонларни айлантириб кўрсатиб чиқади. Хизматлари

эвазига “посбон” ички ишлар бўлими топшириқларини сидқидилдан ўудалаш учун “бепарда” қизлар билан таъминлайди. Ички ишлар бўлими кимнидир ноҳақ айблаши лозим бўлса, шундай ғалати тарбияли қизлар ёрдамидан фойдаланиб келади. Провокациялар уюштириб беришади, ёлғон гувоҳлик беришлари мумкин, жанжал кўзгаб беришади... Ана шундай йўл билан Суд қарорларини ижро этиш департаменти Марҳамат туман бўлими суди ижросис Оловиддин Қосимов 12 йилга қамокқа тикилгани катта шов-шувга сабаб бўлган. У “пора олганликда” айбланган. Пора берганликда айбланиши лозим бўлган Қория Каримова эса, ҳеч қанча ўтмай, посбон қилиб кўтарилган! Чор Россияси Андижонда Дукчи Эшон бошчилигидаги кўзғолонни бостираб экан, унинг маркази Мингтепа кишлоғини ер билан яқсон қилиб, рус мужиклари оиласини жойлаштиригач, вақти келиб бу Туронзамин аёллари шармандали ном остида посбон бўлишларини ҳам башорат қилишган бўлса ажаб эмас! Юқоридаги ҳолатларни ўрганиб чиқиб, миллий кадриятлар ҳақида лоф урилган юртда, қадимда тошбўрон қилинган жирканч ахлоқ эгалари бугун кадр топаётганлигидан ташвишга тўшасан киши. Ўзига Бек ўзбекнинг беклиги қани?!..

Бобур Ҳўқондий

Бу йил ҳам Андижоннинг Марҳамат туманидаги Қорақўрғон қишлоғи аҳолиси “Хотира ва қадрлаш” кунини “кафанланган” ҳайкал билан қаршилашди. Андижон вилоятига қилган сафаримизда бунга шахсан гувоҳ бўлдик. Гап шунда-ки, 2011 йилнинг 3 май кунда қишлоқ фуқаролар йиғини (собик) раиси Муҳаммадзокир Эргашевнинг ташаббуси билан қишлоқдаги якка-юягона маданий ёдгорлик – «Аскар ва Она» ҳайкали кулагиб ташланган экан. Ўшанда буни 9-май – «Хотира ва қадрлаш» кунига “муносиб тухфа” деб қабул қилинган. Зокир ҳожи асли мутаассиб

эди, – дейишди марҳаматликлар. – «Аскар ва Она» ҳайкалини маданий ёдгорлик сифатида 2-чи жаҳон урушига кетиб қайтмаган, урушдан кейин яшаб вафот этган ва фронт ортида хизмат қилган ҳамқишлоқлари хотираси ҳаққи-хурмати сифатида асралса ҳам бўларди...

Мадраса кўрмаган шогирд ҳар макомга йўрғалар, деганлар ҳақ экан. Ҳожи саводхон бўлмаса-да, жудаям сўзга чечанлигидан ҳукуматга қўл келади. Қаердаки бузғунчилик содир бўлса, Муҳаммадзокир Эргашевдан фойдаланишади, – дейди одамлар, – ҳайкалнинг “ағдарилиши” ва кафанга ўраб қиш-қировли кунларга ташлаб қўйилиши амалда, қишлоқ ахлининг диндан ва ёки диндорларнинг мутаассиб сифатида намоён қилиниши орқали қора бўлишидан норозилик кайфиятлари туғилишига олиб келиши керак эди. Буни ҳокимият Муҳаммадзокир Эргашев кўли билан бажарган кўринади.

Ҳожи қишлоқда нимаики йиғин бўлса, ҳукумат буйруғини бажаради. Масалан, маҳалла ўзига оқсоқол тайинлаш учун йиғилиш ўтказса, Муҳаммадзокир Эргашев албатта, сўзга чиқади. Йиғин аҳлини мақсаддан чалғитиш учун узундан-узок маърузасида дин, пайғамбару авлиёлардан гапиравериш ножоиз бўлган жойда ислом хусусида сўз юритиб кишиларни ҳам диндан, ҳам сиёсатдан бездиради. Бошқа мавзуда сўз юрита олмайди, чунки қишлоқнинг бу “Каттаси” бор-йўғи ўрта маълумотга эга, холос!

Албатта, маърузаси орасида “Ҳокимимиз фалончи маҳалла раиси бўлсин, деб тайинлади!” қабилида қистириб ўтгач, ҳокимнинг айтганини қилмасак бўлмайди, – дея қатъий мустаҳкамлаб қўяди. Қарабсиз-ки, аҳоли учун жон қойиладиган шахслар эмас, муъте, хайбаракаллачи ва югурдаклар маҳаллаларга оқсоқол бўлиб қолишади. Қонун талабига кўра, маҳалла фуқаролари йиғинларида оқсоқол сайланишига ҳоким аралашмаслиги лозим. Аҳоли ўз оқсоқолларини ўзлари танлаши керак.



“КАФАНЛАНГАН” ҲАЙКАЛ

Бунга йўл қўймасликнинг бирдан-бир воситачиси Муҳаммадзокир ҳожи Эргашевга ўхшаганлар экан.

Муҳаммадзокир билан чиқиша олмаган маҳалла фуқаролар йиғини раислари охири-оқибатда юрак хуружи билан вафот этишар экан.

«Хўжаарик» маҳалласида Тошмуҳаммад, «Жийдамозор» маҳалласидан Эркин ва «Тош йўли» маҳалласидан Ҳомид деган раисларнинг ёш туриб ўлиб кетганлиги бунинг исботи сифатида айтиб келинаркан.

Муҳаммадзокир Эргашев давра тўрида баралла, “Менинг СНБда укаларим ишлайди!” дея эшиттириб қўйиши кўп нарсани ойдинлаштириб қўяди, дейди фуқаролар. Қишлоғимизда Маматқодир Отахонов деган инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси бор эди, устидан чақув қилиб қаматувди..

Тинимсиз таъқиблардан безор бўлган бу йигит Андижонга кўчиб кетиб жон саклайди. Бутун марҳаматликлар ўша йигитдан ҳуқуқий ёрдам сўраб излаймиз. Тан беришимиз керак, қишлоққа керакли, жуда кучли ҳуқуқшунос эди...

Кафанланган ҳайкал воқеасидан сўнг, аҳоли М.Эргашев устидан Андижон вилоят ҳокими А.Усмоновга шикоят хати юбориб қўрган экан. Вилоят ҳокимлигидан А.Нурматов дегани бошчилигида комиссия келиб ишни ўрганган.

М.Эргашевнинг “тушунтириш хати” олинди, ишдан бўшатиш ҳақида хўжақўрсинга эълон қилинган. Марҳамат туманида эса дув-дув гап: “Вилоят ҳокими А.Усмоновнинг ҳам Муҳаммадзокир Эргашевга кучи етмабди”.

Олдий қишлоқ фуқаролар йиғини котиби сифатида расмийлаштиришибди-да, амалда ишини давом эттирадиган бўлибди.. Бундан шу нарса аён бўлади-ки, Ўзбекистон ҳукумати ўз маддоҳларининг саводи ҳаминқадар бўлишидан манфаатдор. Маддоҳлар хизмати эса юксак қадрланади. Бузурни қонаттириб қўйишмайди...

Қисқа сатрларда... Андижоннинг Жалолқудук туманидаги Охунбобоев шаҳарчаси Қадақсин маҳалласида яшовчи Абдурахимова Муяссар жиноятчилик Ўзбекистон банкларида ҳам юқори эканлигидан жабрланган. Бечора аёл уюшган жиноятчилик банкларни ҳам эгалаганидан беҳабар. 2007 йилнинг 13 ноябрида Ипотека банкининг Андижон шаҳар бўлимига “Келажак инвест” кредит уюшмасига уставной фонд сифатида 2 600 000 (икки миллион олти юз минг) сўм маблағини қўйган-у, ўз келажигини барбод қилган. 2010

йил ноябр ойида маблағини қайтариб олиш учун 816-рақамли сўров қвитанциясини банкка тақдим этиб, хушидан кетиб қолаётди. Банкда унга: “Сиз маблағингизни олгансиз!” дея тухмат қилишган. 20 фозилек устама билан маблағини қайтариб олишга умид қилган бечора Муяссар Абдурахимова иккинчи гуруҳ ногирон эди. Ана ўшандан буён Муяссар сарсон-саргардон. Унинг додига етадиган валлажатларнинг ўзи йўк...

Андижоннинг жиноят ишлари бўйича вилоят судида “Ўзбекнефтегаз” миллий холдинг компанияси “Ўзтрансгаз” акциядорлик компанияси Хўжаобод тумани “Ер остида газни саклаш иншооти” директори Равшан Ибрагимхўжаев, муҳандиси Нурали Ибрагимов ва бошқа ўнга яқин мансабдорларнинг устидан бошланган жиноят иши маҳкамаси давом этапти. Судланувчилар ёқилғи газини талон-тарож қилганликда ва пора эвазига оҳак пишитиш, ғишт ишлаб чиқариш билан шуғилланган турли тадбиркор ҳамда фирмаларга газ етказиб берганликда айбланишган. Амалда, судланувчилар газни сотиб “тирикчилик қилиш”нинг мутлақо имкони йўқлигини айтишяпти. Чама-си, буюртма асосида, уларни асоссиз, сохта – уйдирма айблар билан айблаш лозим бўляпти. Чунки қиш-қировли кунларда Ўзбекистондаги аҳолининг норозиликларига жавобан, “мана, газ ўғирликлари фош этилди!” дея хаспўшлаш орқали уларни юпатиш режалаштирилган. Бу ўғрининг ўзи “Ушла ўғрини!” деб бақиршини ёдга солади. Талон-тарож содир этилганлиги ўз исботини топмаса-да, порахўрлик айби юкланиши орқали барибир судланувчилар узоқ муддатга жазоланадилар, деб ҳисоблашяпти андижонликлар.

Худди шу йўсинда Ўзбекистон электр тармоғи раҳбарларининг устидан ҳам суриштирув-тергов ишлари олиб борилаётганлиги ҳақида гап-сўзлар бор. К а й к у б о д Т о ж и 2012 йил 23 июль куни

Мана, барчамиз учун муқаддас ва сеvimли бўлган, савоб амалларни ба-жариш учун кенг имконият яратилган марҳамат ва раҳмат оyi – муборак Рамазон оyi ҳам ташриф буюрди. Бу ойда Аллоҳ Таоло ҳалол қилган ейиш-ичиш каби амаллардан тийилиб, рўза тутамиз. Ўзаро дастурхонлар ёзамиз. Кечалари масжидларда Куръон хатмида баҳоли қудрат иштирок этамиз. Минг ойдан афзал бўлган кечани – Қадр кечасини бедор ўтказамиз.

саларга кўпроқ эргашадилар. Бошқа одатий кунларга нисбатан рўзадор ҳолатимизда фарзандларимизга, оила аъзоларимизга шафқатли бўлсак, уларда бу ойда нисбатан муҳаббат уйғонади. Ўтмишда фарзандларимиз Янги йил ва бошқа байрамларни қандай кўтаринки руҳда кутган бўлсалар, келажакда Рамазон ойининг келишини бундан-да сабрсизлик билан кутишади.

- Катталар билан бирга рўза тутишга тарғиб қилиш.

Фарзандларимиз билан биргаликда дўстларимизни, қариндошларимизни, хаста ва муҳтожларимизни зиёрат қилиш билан ижтимоий ёрдам ва силаи раҳмининг фақат сўзда эмас, балки амалда ҳам намоён қилиш лозимлигини кўрсатиб берган бўламиз.

- Ифторлик ва сахарликларимизни оила даврасида қилиш билан бир қаторда, фарзандларимизнинг дўстларини чақириб, ифторлик дастурхонларини ташкил қилиб бериш натижасида фарзандимиз-

ФАРЗАНДЛАРИМИЗГА РАМАЗОННИ СЕВДИРИШ ЙЎЛЛАРИ



Ёши катталаримиз одатдагидан фарқли ўлароқ эрта сахарда туриб рўза тутишлари, меҳмондорчиликнинг кўпайиши, масжидларга қатновчилар сони кескин даражада ўзгариши фарзандларимизда бошқача бир кизиқиш ва таассурот уйғотади. Рамазон оyi биз учун уларга исломий яшаш тарзини ўргатиш, тўғри тарбиялаш учун Аллоҳ Таоло томонидан берилган энг қулай фурсат ҳисобланади. Хўш, бунинг учун биз катталар нима қилмоғимиз, нималарга эътибор бермоғимиз лозим?

- Энг аввало, фарзандларимизга бу ойнинг келишини билдирувчи Ражаб ва Шайбон ойлари ҳақида маълумот бериб, бу муқаддас ойнинг мазмунини тушунтириб беришимиз даркор. Рамазон фақат оч қолиш оyi эмас, балки ахлоқан тузалиш ва руҳан юксалиш оyi эканлигини уларнинг онгига сингдириб бориш зарур.

- Уйларни ва ён-атрофни безаш. Уйимизда барча оммавий байрамлардаги каби қандай тайёргарлик кўрсак, Рамазонда унданда зиёда ҳаракат қилишимиз, Рамазон ойининг қанчалик улуғ айём эканлигини баён этади. Уйларимиз атрофини тозалаш, хоналаримизни безаш, ҳатто Рамазонга неча кун қолганини билдирувчи таквимларни осиб қўйиш шулар жумласидандир.

- Амалий жиҳатдан ўрнак бўлиш ҳам бола онгида Рамазонга бўлган муносабатни ижобий жиҳатдан шаклланиши мумкинлигини доимо эсда тутишимиз лозим. Одатда болалар эшитган нарсаларидан кўра, кўрганларига, ўз бошларидан ўтказиб, бевосита гувоҳи бўлган нар-

рўза тутиш аслида улар учун фарз эмас. Аммо уларга ёшлиқларидан ташвиқот қилиш натижасида, во-яга етиб улғайганларида рўзанинг аҳамиятини масъулият билан ҳис қиладилар. Уларни бездирмаслик учун бир неча соат рўза тутишлари мумкинлигини тушунтириш ҳам кифоя қилади. Шунингдек, рўза тутиш билан ота-она қарамоғида бўлса ҳам, ҳар доим тўқ ва фаровон яшаш мумкин эмаслигини ўргатиш мумкин. Рўза тутишга тарғиб қилишдан олин-надиған ижобий натижалардан бири сифатида болаларнинг атрофидаги-ларга бўлган муносабатини кўрсатиш мумкин. Зеро, атрофимиздаги ҳамма ҳам ўз фарзандларини бир хил даражада таъминлай олмайди. Оч қолиши натижасида, фарзандимиз ўзидан кам таъминланган болалар билан бир хил даражага тушади, бу эса ўз ўрнида унда меҳр-шафқат тушунчасининг кенг шаклланишига ҳамда мукаммаллашувига омил бўлиб хизмат қилади.

- Фарзандларимизнинг Рамазон ойини қалбан ҳис этишлари учун одатий кунлардагига нисбатан уларга турли хил совғалар улашиб ва чиройли муомалада бўлиб, муруватимизни қанда қилмаслик, уларга руҳан ижобий таъсир қилса, рўзадорларнинг, айниқса ифторга яқин бироз асабий бўлиб қолишлари ва шу каби ҳаракатлар уларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Рамазон бизга сабрни ўргатар экан, буни амалда намоён қилишимиз лозим.

- Бошқа ойларга нисбатан бу ойда турли зиёратларни кўпайтириш ҳам самарали натижаларга эришиш учун хизмат қилади.

да меҳмондорчилик туйғуларини уйғотишимиз мумкин. Шунингдек, уларда бевосита мезбонлик масъулияти каби тушунчалар шу йўсинда шаклланади. Ушбу зиёфатларда бошқа болаларда ҳам бу туйғу уйғониши шубҳасиз.

- Масжидларга олиб бориш. Масжидлар болада жамоатга бўлган муҳаббатни ва намозга бўлган аҳамиятни кучайтиради. Қўпинча уларнинг масжиддан зерикашлари ёхуд намоз вақтида бошқа болалар билан ўйнаб ёки чалғиб, намозни бузиш мумкин бўлган ҳолатлари кузатилишини ҳисобга олишимиз даркор.

- Ёрдам қутисини жорий қилиш. Битта қутича ясаб, ҳар куни унга маълум миқдорда пул ташлашни назорат қилиш учун фарзандлардан бири масъул қилиб қўйилади. Тўпланган пулни муҳтожларга садақа қилишлари орқали уларнинг шуурларида ижтимоий ҳимоя туйғулари шаклланади.

- Бутун рамазон оyi давомида кундалик дафтари юритиш ҳар бир куннинг қандай ўтаётганини таҳлил қилишни ўргатади. Ота-оналар бу кундаликларни назорат қилишлари, ўринли тақлиф ва танбех беришлари, фарзандларининг тўғри тарбияла-ниши учун муҳим омил сифатида хизмат қилади.

Юқорида санаб ўтилган усуллар денгиздан бир қатра холос. Буни ҳар биримиз ўз қарашларимиз асосида давом эттиришимиз мумкин. Шундай услублар орқали фарзандларимизда Рамазон ойига бўлган муносабатни тўғри шакллантиришимиз мумкин. Уларнинг фикрида бу ойнинг қўни-қўшниларникига бориб “Рамазон” айтиш ёки хайитлик олиш эмас, балки бутун бир ойлик руҳий тарбия оyi эканлигини намоён бўлиши, бунинг натижасида эса, қатга бўлганларида мажбурият юзасидан ёки тақлид сифатида эмас, балки чин қалбдан рўза тутишлари, Аллоҳга ибодат қилишларини таъминлашимиз мумкин бўлади.

Шундай экан, келинлар, Рамазонни барчамиз кўтаринки руҳда ўтказайлик...

ҲОЖИЛИК БАДАЛИ - МХХГА ХИЗМАТ

Ўзбекистон “диний идорасига”, Сурхондарё вилоятининг Бойсун тумани, С.Айний кўчасида яшовчи фуқаролар Бобокул Ҳайдаров ва Омонжон Шукуровлар томонидан 2012 йил Саудия Арабистонида “Ҳаж зиёратини амалга ошириш учун”, ариза топширишган эди. Аризани диний идора кўриб чиқиб, “суҳбатдан ўта олмаганликлари учун”, аризалари кейинги йилга қолдирилди. Аммо... Лекин... Собик шифокор, Бобокул Ҳайдаров ва собик журналист Омонжон Шукуровлар диний идора томонидан берилган жавоб хатларига қониққарсиз баҳо олганларидан сўнг, Бобокул Ҳайдаров Ўзбекистон МХХнинг маъсул шахс лавозимида ишлаётган, бойсунлик жияни, Илҳомжон Ҳайдаровга мурожаат қилишганлар...

Ўзбекистон МХХнинг ходими Илҳомжон Ҳайдаров, “Ҳожилик унвонига эришиш учун, аввал бизнинг маҳсус топширик ва вазифаларимизни бажарсангизлар. Ундан кейин, Сизларни ҳаж зиёратига юборамиз” деб ваъдалашган.

МХХ томонидан кўйилган вазифани бажариш собик журналист Омонжон Шукуров зиммасига юклатилган. Унга кўйилган биринчи масала шундан иборат бўлган:

“26.03.2012йил www.pressuzinfo.uz сайтида, “БОЙСУНЛИК АВАНТЮРИСТ” номли мақола чоп этилган эди. Ушбу мақолада Ўзбекистон “ЭРК” Демократик Партиясининг Марказий кенгаш аъзоси, Фахриддин Тиллаев тўғрисида гап боради. Шу мақолани Сурхондарё вилояти маҳаллий газеталарида чоп эттириш, уни сонини кўпайтириш, маҳалла гу-

зарларига, бозор, кўча ва дўконларига тарқатиш ва реклама қилиш ҳамда “агитация ва пропаганда” ишларини олиб бориш фуқаролар ўртасида кенг ёйишдан иборат бўлган”.

Бу мавзуда Омонжон Шукуров, МХХнинг топширигини аъло даражада бажариб, хатто-ки, кўрсатилганидан ҳам ортиги билан бажарган. Хусусан, Сурхондарё вилоятида чоп этилаётган “Тиббиёт ва Ҳаёт” ҳамда “Бойсун” маҳаллий газеталарида мақолани чоп эттиришда жонбозлик кўрсатган. Газеталарни сон жихатдан кўпайтириб, вилоят ва туман хокимлигига қарашли бўлган ташкилот ва корхона раҳбар ва ходимларига топширик асосида иш тутган... Иккинчи масала юзасидан эса, Бобокул Ҳайдаров “Ўзбекистон МХХ томонидан берилган “моддий ёрдам” ҳисобидан, Сурхондарё вилоятидаги “Чойхоналар”, “Интернет кафе”, “Парк” ва “Шифохоналар” да газета ва интернетда чоп этилган мавзу юзасидан “бир пиёла чой устида суҳбатлар уюштириш” масаласи кўндаланг қилиб кўйилган...”

Бобокул Ҳайдаров ва Омонжон Шукуровлар Ўзбекистон МХХнинг топширигини бажарганларидан сўнг, яқинда Саудия Арабистонида “Ҳаж зиёрати учун” ташриф чиптасини қўлга киритдилар. Сурхондарёлик фуқаролар “Нега бунчалик пасткашлик йўлини тутгансизлар?” деб берилган саволга ҳожиларимиз шундай деб жавоб қилишган: “Биз ЎХХ Сурхондарё вилоятида кенг омма орасида ёйилмаслигини олдини олиш мақсадида шу “иш”ни амалга оширдик...” деганлар.



Шу ўринда яна бир масала юзасидан икки оғиз сўз: 2001 йилнинг 12 январь куни собик журналист, бойсунлик Мажид Абдураимов томонидан “Янги Аср” газетасида “Сувдан курук чикқан одам” номли мақола чоп этилган эди. Ушанда мақола мавзуси Бобокул хожи акамизнинг укалари, яъни Нусурат Ҳайдаров тўғрисида гап боради. Худди шу мақола чоп этилгандан сўнг, Мажид Абдураимов 2001 йилнинг 23 март куни “пора олганлик”ка айбланиб, 13 йилга озодликдан маҳрум этилган эди. Бу воқеани Сизларга келтиришимиздан асосий мақсад шундан иборат-ки, Мажид Абдураимовнинг қамалишига асосий ролни бажарган инсонлар, яъни, Ўзбекистон МХХнинг вакили Илҳомжон Ҳайдаров, Бобокул Ҳайдаров, Нусурат Ҳайдаров ва Омонжон Шукуровларнинг “қўл”лари билан содир этилган эди. Ушанда М.Абдураимов қамоққа ташлангандан сўнг, унинг эвазига Бобокул Ҳайдаров Саудия Арабистонида ҳаж ва умра амалларини бажариб, “хожи”лик унвонига эга бўлган эди. Балки, бу “йўл”да “ЭРК”чи Фахриддин Тиллаевни “қурбонлик қилиш” эвазига қелишилган бўлса ажаб эмас...

Мансуржон Фозилжонов
мустақил журналист

РАМАЗОН ҲУРМАТИГА – ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ

Ўзбекистондаги кафе ва ошхоналарда Рамазон рўзаси ҳурматида спиртли ичимлик сотмаслик тажрибаси давлат органлари тарафидан уларни диний экстремизмда айблашга баҳона бўлмоқда.

Аслида, спиртли ичимликларга тўсиқ қўйилган қаҳвахоналар Ўзбекистонда шундоғам кўп эмас. Аммо ифтор ўтказилиши билан уларда муаммолар пайдо қилинмоқда.

Бунга мисол – “Бунёдкор” проспекти яқинида жойлашган “Камолон” қаҳвахонасининг аянчли қисматиدير.

Яхши ошхона эканлиги ва спиртли ичимликнинг йўқлиги, Рамазон пайтида

“Камолон”нинг диндорлар билан гавжум бўлишига олиб келди. «Бу нарса қаҳвахонанинг ҳам бошига етди – ҳукумат унинг эгаларини диний экстремизмда гумон қилди ва улардан спиртли ичимлик сотишни талаб қила бошлади», – деган анонимлик шартига кўра пойтахт умумий овқатланиш муассасаси хизматчиларидан бирининг сўзини келтиради Узньос.нет.

Унинг сўзларига кўра, ошхона эгалари спиртли ичимлик сотишдан мутлақо бош тортиш-



ди, натижада ҳеч кимга зиёни тегамай турган қаҳвахонани бузиб ташлашди. Энди эса ёвойи ўт ўсиб ётган унинг харобаларига қараб, диндорлар, Рамазон ойида ҳукумат билан ўйнашиш яхшиликка олиб келмаслигини эслайди...

ЎХХ хабар бўлими



Қайси хорижий шаҳарга борсам, уни яқиндан таниш учун аввало у ердаги бозорларни айланиб чиқаман. Бозорлар шаҳарнинг кўзгуси ҳисобланади. Пештахта ва расталарда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ҳам эътибор бераман. Бунда ўлкамиз ишбилармонларининг, яъни, тижоратчиларининг муваффақиятларини кўраман. 1996 йилда Полшанинг собиқ Президенти Лех Валенса ҳомийлигида ўтказилган бир анжуманга қатнашиш учун Варшавага борган эдим. Анжумандан кейин Варшава кўчаларини сайр қилдим. Шаҳарда бир қанча кийим-кечак сотиладиган дўконларга дуч келдим. Бир дўконга кириб, узок давом этган суҳбатдан кейин дўкон эгасидан текстил маҳсулотларини қаердан олишларини сўрадим. “1989 йилда Совет Иттифоқи икирозга юз тута бошлаган бир шароитда биз озодликка эришдик. Эркин савдо-сотик қилиш ҳуқуқига эга бўлганимиздан сўнг Полшада тижорат билан шуғулланган кишиларнинг кўпчилиги Истанбулга кетишди. Аммо ҳозирги кунда бошқа бозорларга йўналганлар”, деди. Нима сабабдан бошқа бозор қидиришга тушганларининг сабаби билан қизиқдим. “Истанбулдаги тижоратчилар бизга дуруст муомала қилишмади. Жуда баяндал нархлар билан мол сотишди. Бизни алдашди. Буюртма берган маҳсулотларимиз ўрнига сифатсиз моллар юборишди. Бутунлай абгор бир ҳолат эди. Шу сабабдан биз ҳам савдо-сотик алоқаларимизни уздик”, деди. Шу маънода икки томондан ҳам бир қанча шикоят эшитдим. Совет Иттифоқи ва Югославия тарқалиб, мустақилликка эришган мамлакатларнинг тижоратчилари ўлкамизга оқиб кела бошладилар. Бизнинг ўлкамиздаги тижоратчилар (ишбилармонлар) эса, у мамлакатларга йўналдилар. Узаро борди-келди билан ривож топган муносабатлар қисқа вақт ичида ишончсизликка айлана борди ва бугунга келиб, тамоман йўқ бўлиш нуктасига етди. Полшадан қайтганимдан сўнг ишбилармонларимиз билан боғлиқ турли воқеалар, ҳикояларни эшита бошладим. Мертер ва Лалели бозорларини кездим. Истисносиз ҳар бир дўконга кириб-чиқдим. Дўкондорларга саломдан кейин фақат битта савол берардим:

МУСУЛМОН ҲУНАРМАНДЛАР, КОСИБЛАР ВА ТИЖОРАТЧИЛАР (III)

“Сизлар мусулмонмисиз?”
Жавоб ҳам аниқ: “Алҳамдулиллоҳ, мусулмонмиз”, қабилида эди. Диндорликларининг қай даражадалигини билмайман. Мен учун бунинг аҳамияти ҳам йўқ. Бир киши ўзини мусулмон деб биладиган бўлса, унга ишониш керак, албатта. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда: Вайл (вой) бўлсин, ўлчовдан уриб қолувчиларга. Улар одамлардан нарса ўлчаб олсалар, тўлиқ оларлар. Ва агар одамларга ўлчаб ёки тортиб берсалар, қамайтирарлар. Ана шулар, албатта, қайта тирилтирилишларини ўйламайдиларми? Улуғ бир кунда. У кунда, одамлар одамлар Роббиси ҳузурда тик турарлар. (Мутаффифин сураси 1 -6 оятлар)
Ҳазрати Пайгамбаримиз (Соллаллоҳу алайҳи васаллам) ўлчак ва тарозидан фойдаланувчиларга қарата шундай хитоб қилганлар: “Сизлар ўзингиздан аввал келиб ўтган қавмларни ҳалок этган икки ишни зиммангизга олмоқдасиз! (Жуда эҳтиёт бўлинг!)”
Бу васиятни менсимаган бойлик ва бойлар тоифаси вужудга келди. Тижорий маънода ниманинг эвазига бўлишидан қатъи назар ҳужумга отилган ўлкада “қисқа йўлдан (яъни, осон йўл билан) мол-дунёга кўмилиш ҳикоялари” кўпайиб, “узумини е, боғини сўрама”, мақоли тилдан-тилга кўча бошлади. Тижоратда ҳалол ва ҳаромнинг чегараси борган сари ўз аниқлигини йўқотди. Мен бу ерда ҳалол ишлашга ҳаракат қилаётган кишиларни қасд этганим йўқ. Иш ва тижорат оламида мудҳиш бир бузилиш жараёни кетмоқда. Асосида Ислоҳ маданияти бўлган, сўзда бўлса ҳам ўзларини мусулмон деб таърифлаётган бу инсонлар қай ҳолатга келиб қолдилар? Қандай бир таълим жараёнидан ўтилди?
Фақатгина иш ва тижорат оламида шундайми? Бугунга кунда бюрократик доираларда ҳам шундай ҳодисалар юз бераётганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бир дўстим анча йиллар аввал бир давлат ташкилотидаги муаммосини ҳал этиш учун мутасадди маъмурга мурожаат қилади. Маъмур муаммони қонуний ҳал этишнинг бадали 50 минг лира эканлигини, лекин ғайриқонуний йўл билан 5 мингга ҳал қилиши мумкинлигини айтади. Дўстим маблағни тайёрлаб, Жума кунни уни топширишга боради. Пулни беришдан аввал муаммо ҳал этилганига ишонч ҳосил қилишни истади. Маъмур унга: “Сен пулни чўзавер, Жума намозидан кейин ҳал қиламан”, деганда дўстим ҳам пулни Жума намозидан сўнг беришлигини айтади. Маъмур эса: “Намозда фикрим пулда бўлмасин, ҳозир тўлаб қўй”, дейди. Бу одам қанақа мусулмон бўлди, деб жуда кўп ўйладим. У намоз ичида Аллоҳ таолога юзланганида нима ҳақда фикр қилар экан?
Бир сафар ишбилармон дўстим билан Косова ва Македонияда бўлдим.

Дўстим у ердаги олиши керак бўлган ҳақларини деб борганди. Шу муносабат билан мен ҳам баъзи тижоратчи (бугунги ишбилармон)лар билан мулоқотда бўлдим. Аксарият тожирларимизнинг асосий муаммоси икки тарафлама “алдаш ва алданиш” эди. Масжидга қатнаганининг ҳам, қатнамаганининг ҳам, мусулмоннинг ҳам, мусулмон бўлмаганининг ҳам аҳволи шу эди. Аввал замонларда инсонлар косиблар, ҳунармандлар ва тижоратчиларга қараб, (улардаги одамийлик ва хайру сахони кўриб) мусулмонликни қабул қилишарди, энди эса уларни кўриб, афсуски, мусулмон бўлишдан воз кечаяптилар. Бир насроний дўстим Ислондан жуда қаттиқ таъсирланганлигини, мусулмон бўлишга қарор қилганлигини аммо бугунги мусулмонларнинг холини кўриб, улар қаби бўлишдан кўра бўлмасликни маъқул кўрганлигини айтиб берган эди менга. Болалигимизда ўтган кунларга оид одил ва марҳаматли тижоратчилар ҳақида кўп ҳикоялар эшитардик. Аввалги савдогарлар ўзлари савдо қилган бўлсалар, келган харидорни ҳали савдо қилмаган дўкондорларга юборар эканлар, нахотки, энди у кунлар афсонага айланган бўлса?!
Бобом Маҳмуд Ҳамди Дарнақбозорида бир тожир дўстига ёрдам берардилар. У пайтларда савдогарларнинг тарозидан уриб кам тортиши ёки нуқсон билан ўлчашни ақлга сифмайдиган бир ҳолат эди. Ҳийла қилган ишлаб чиқарувчи, тикувчи, нонвой, сабзавотчи ёки оёқ кийим устаси у ерда кун кўриши амри маҳол эди. Сотилаётган молнинг яхши ва ёмон томонлари тушунтирилиб, олиш ёки олмаслик харидорнинг ихтиёрига қолдирилди. Ҳунарманд бўлиш жуда қийин эди.
Энди эса очкўзлик, масъулиятсизлик, ёлғон, ҳийлакорлик, риёкорлик... авж паллага кириб бўлди.
Ўтган замонларда ҳийлакор тижоратчилар бўлмаганми? Албатта ундайлар ҳам бўлган, лекин нисбатан қараганда жуда озчиликни ташкил этган ундайлар. Шахсий масалада ўзига тегишли, давлат масаласида давлатнинг шамъини ёқиш тушунчаси ва “Нил дарёси бўйида бир қўйни бўри еса, унинг ҳисобини Аллоҳ таоло Умардан сўрайди” деган тушунчалар нахотки хаёлга айланиб улгурган бўлса?!
Ислоҳ тарихининг олтин саҳифаларидан ўрин олган ёхуд Аҳмад Жавдат Пошонинг “Тазкиралар”ида ёзилган косиблар, ҳунармандлар ва савдогарлар, Ислоҳ динининг энг пешқадам таблиғчилари қаерда қолди энди? Ислоҳ динининг ҳаёт билан боғлиқ таълимотлари ўзгардимми? Аллоҳ таолонинг амрлари таъсир қилмай қолдимми? Охират қунидаги ҳисоб ўрдадан кўтарилдимми бўлмаса? Рамазони Шарифингиз муборак бўлсин.
Муаллиф:

Сулаймон Гундуз

ҲАРБИЙ “ДЕМОНКРАТЛАР”

Куч адолатдадир қоидасини тескари тарафга ўзгартиришнинг йўли, яъни адолат кучдадир қоидаси билан ҳаракат қилишнинг шартини иш бошига ҳарбийларни келтиришдан иборат бўлиши мумкин. Бу мутлақ қоида бўлмасда, ушбу мақолада бу иддоага далил бўладиган воқеаларга тўхталмоқчимиз Ҳарб уруш демакдир ва уруш ўз зидди бўлган тинчликка нисбатан истисно ҳоли бўлсада, инсонлар ва давлатлар ҳаётида мудҳиш рол ўйнайдиган, айтиш мумкинки уларнинг баъзиларининг ҳаётини махв этадиган воқеалиқдир...

Мен бу мақолада урушнинг сирлари ҳақида тўхталмоқчи эмасман. Бу алоҳида мавзу ҳисобланади. Мен касби урушиш бўлган, аммо қуролини ўз халқига қаратиш билан кимларгадир хизмат қилишни ўз вазифаси, деб билладиган баъзи ҳарбий демократлар ҳақида қисқа тўхталмоқчиман. Демонкрат сохта сўздир. Демон насонийликда шайтон, жин, ёмон рухлар каби кўзга кўринмас мавжудотларнинг таърифидир. Хуллас, бу ерда демонкрат дейиш билан шайтон ва жин малайларининг, яъни бузғунчиларнинг ҳокимияти маъносини назарда тутмоқданман...

Ҳарбийлар сиёсатга аралшиши керакми мавзуси баҳс талаб мавзудир. Тарихда Фиръавндан бошлаб, Наполеон, Ҳитлер, Сталин каби давлат раҳбарлари ўзларининг ҳарбий жиҳатлари билан танилган, айна пайтда сиёсий раҳбарликни ҳам қўлдан бермаган эдилар. Давлат раҳбарининг сивил (фуқаровий, гражданский) бўлиши, ҳарбий қувватларни эса касби бу соҳани бошқаришдан иборат бирор генералга топшириши эса замонавий давлатчилик удумига хос жиҳатлардан ҳисобланади. Давлат тўнтариши дейилганда ҳам мана шундай фуқаровий ҳокимият вакилларининг (давлат раҳбарларининг) ҳарбийлар тарафидан тахтдан узоқлаштирилиши назарда тутилади. Ўтган асрда қайси давлатларда ҳарбий тўнтариш бўлганини мен аниқ билмайман. Аммо бундай тўнтаришларнинг ўнларча давлатларда бўлгани, улар асосан Осиё, Жанубий Америка ва Африка қитъаларида содир бўлгани ҳақиқатдир. Яна бир ҳақиқат бу давлат тўнтаришларининг бир қисмини демократ ҳарбийларнинг амалга оширганликларидир... 1982 йилда Туркияда генерал Канон Еврон бошчилигида ҳарбийлар давлат тўнтаришини амалга оширдилар. Бу хабарнинг акс садоси узоқ америкадан шу тарзда жаранглади: Бизнинг йигитлар бу ишни қойилмақом қилиб бажардилар... Покистонда генерал Мушарраф давлат тўнтаришини амалга оширди... Ливияда полковник Қаддафий... Мисрда генерал Муборак... Жазоирда

генерал Холид Наззар... Туркияда 1997 йилда ҳарбийлар Нажмиддин Эрбоқон ҳукуматини иш бошидан узоқлаштирдилар. Ва энг сўнгги хабар: Мисрда маршал Тантавий бошчилигидаги ҳарбийлар халқ тарафидан сайланган Давлат Раиси Муҳаммад Мурсийнинг яна ўша ҳарбийлар тарафидан тарқатилиб юборилган парламентни қайта чақириш ҳақидаги қарорига қарши чиқдилар... Ҳарбийларнинг бундай давлат тўнтаришларини қисқагина санаб ўтиш инсоннинг виждонини қийнайди. Чунки бу давлат тўнтаришларининг ҳар бири алоҳида бир тарихдир. Уларда мингларча бегуноҳ кишилар ўлдирилган, қамоққа ташланган, ваҳшийларча қийноққа солинган, тирноқлари юлиб олинган, дорга осилган, ўтда ёндирилган... Бу ҳарбий фитналар натижасида халқлар ва давлатларнинг тақдирини номаълум томонга буриб юборилган, давлат хазиналари ўмарилган, мамлакатлар хонавайрон қилинган... Ҳарбийларнинг биргина Жазоирдаги қилмишларини ўқиб ўрганган инсофли кишининг соч соколи бир онда оқариб кетиши тасодиқ ҳисобланмасе керак. Қуролланган ваҳшийларнинг қуролсиз инсонларга қилган ва қилаётган зулмига қандай виждон чидай олиши мумкин... 1997 йилда Туркияда ҳарбийлар ҳукуматни иш бошидан узоқлаштирганда бу ишни амалга оширган генераллардан Чевик Бир ўз қилмиши билан мақтанар экан, “биз демократияни мувозанатга келтирдик” (Demokrasiye balans ayaq uaptik), деган эди. Ҳозирги кунда Туркияда 1960 йилдан кейин давлат тўнтаришини амалга оширган ҳарбийларнинг қилмишлари қайта кўриб чиқилмоқда. Яқин ўтмишда Бош Штаб Бошлиғи лавозимида бўлган армия генерали Илкер Бошбуг, демократияга мувозанат келтирган армия генерали Чевик Бир ва бошқа ўнлаб юқори лавозимли ҳарбийлар устидан жиноят иши очилиб, улардан баъзилари маҳкамада ўз қилмишлари учун жавоб бермоқдалар. Полковник Қаддафий, генерал Хусни Муборак, генерал Мушарраф, генерал Холид Наззар, генерал Канон Еврон... Бугун бу ҳарбий демократларнинг ўзлари ҳам, қилмишлари ҳам тарих ахлатхонасининг мулкига айлангандир. Мен бир мақоламда демократиянинг баъзан демократия сифатига эга бўлиши мумкинлигини таъкидлаган эдим. Бунинг далили ҳозирда Жазоир ва Суриядаги демократиянинг ижодкор демократ Франция, Миср, Туркия ва Покистондаги демократиянинг ҳамкори эса демократик америка эканлиги ҳеч кимга сир эмаслигидир...



Демократлар ўз фалсафа ва амалларида демократиядан қутулишлари керак бўлади. Ўшанда демократлар ўзларининг асосий сифатлари бўлган “Мен сизнинг фикрингизга қўшилмайман, аммо сиз ҳам ўз фикрингизни айта олишингиз учун жонимни беришга ҳам тайёрман” сифатига ҳақиқий маънода эга бўладилар. Чунки 21 асрнинг модаси ҳолига келган террор фалокатларининг асосий ижодкорлари демократлар эканлиги ҳам энди кўпчиликка сир эмас. Шунинг учун ҳам бирон жойда бомба портлади, террор содир бўлди хабарлари тарқалса, мен дарров ажабо бу демократларнинг ишимикин, деган ҳаёлга бораман. Бундай фикр менда 2011 йилнинг ёзидан Ослода содир бўлган портлашлардан кейин янада собитлашди. Бу даҳшатли террор воқеаси содир бўлганда аввал ҳамманинг нигоҳи биз мусулмонларга қаратилганди. Кейин уни демократ Андрей Брейвик амалга оширгани маълум бўлди. Мўътадил мусулмонларни радикал, дея ҳақоратлаётганлар ҳам демократларнинг сафидаги демократлардир. Бундай демократлар ўзбек демократларининг ичида ҳам талайгинадир... Ушбу мақолага “Демократия ва Демонкратия”, “Сиёсат ва ҳарбийлар” сарлавҳаларини ҳам қўймоқчи бўлдим. Аммо мавзуга айнан “Ҳарбий демократлар” сарлавҳаси ярашгани учун бу сарлавҳани танладим. Бу сарлавҳа менимча фуқаровий тафаккур билан ҳарбий тафаккур орасидаги фарқга ҳам аниқлик киритади. Фуқаровий тафаккур етти ўйлаб бир гапириш, маслаҳатлашиш, далилларни ақл тарозусида тортиш, тажрибалардан ижобий хулоса чиқаришни тақоза қилади. Ҳарбий тафаккур, агар унга тафаккур дейиладиган бўлса, “амр этинг қўмондоним”, дея тик туришдан бошланади. Яъни, ҳарбийларнинг ишида саволга ва эътирозга ўрин бўлмайди. Қўмондоннинг амри билан аскарнинг ўқ отишни бошлашидир бу тафаккурнинг моҳияти... Сўзни адолатнинг кучида эмас, кучнинг адолатда эканлигини таъкидлаш билан бошлаган эдик. Адолат эса ҳар кимга ўз ҳаққини беришни билдиради. Демократларга улар истаган ҳақларни бериш қанчалик адолат бўлса, мусулмонларга ҳам улар истаган ҳақларни бериш шунчалик адолатдир. Тарих ва бугуннинг ҳақиқати шундан иборатки, демократлар ҳеч қандай ҳаққа муносиб эмаслар...

Намоз Нормўмин

АВТОҲАЛОКАТДА БЕШ ЎЗБЕК МАРДИКОРИ ЎЛДИ

Самара вилоятида регистрациясини янгилаш учун Қозоғистон чегарасига кетаётган йўлда аварияга учраган Ўзбекистон фуқароларидан беш нафари нобуд бўлди, яна олти киши турли жароҳатлар билан касалхонага ётқизилди.

22 июл куни куни Самара вилоятининг Болшечерниговский туманидан ўтадиган Самара-Уралск М-32 трассасида ВА3-21099 ва ВА3-2115 давлат номер белгиси бўлган икки автомобил юзма-юз тўқнашди.

Авария натижасида ўзбекистонлик 5 мардикор нобуд бўлди, дейди Озодлик билан суҳбатда ҳалок бўлган йигитлардан бирининг яқини Давронбек: - Самарада ўзбеклар авария бўлиб кетиб, бештаси ўлибди. Улар ичида жиянимиз ҳам бор эди. Уларга қанақадир кўмак беришнинг иложи бормикин, деган мақсадда телефон қилятган эдим. Кейин хабарлашсам, уйдан пул келибди айримларига. Владимир вилоятининг ҳар хил жойида ишлаётган болалар экан. Паспортни кирди-чиқди қилиш учун чегарадан ўтиб келгани учун Газел заказ қилиб Қозоқ чегарасига кетган болалар бўлган. Биласизку, бир йилда бир пропускани янгилаб туриш керак. Булар разрешение на работу билан ишлаган. Сроки тугаганидан кейин, чиқиб келишга мажбур, дейди бу автоҳалокат натижасида жиянини йўқотган водийлик Давронбек. Давронбекнинг сўзларига қараганда, Владимир вилоятдан иккита Газелда чиққан 16 нафар ўзбек мардикори, Самара шаҳрига келиб чегарагача енгил автомашина ёллаган. “Лекин хайратланарлиси, ўзимизнинг йигитлар кетаётган автомашиналар юзма-юз тўқнашган!” , дея давом этади Давронбек: - Иккови бири-бири билан уришган, қандай уришганига мен ҳам хайронман. Битта жойдан чиқиб кетган – биттаси эртароқ, биттаси кейинроқ.



Аварияга учраган иккала машинадан 5 киши ўлибди, иккитаси болнисада оғир экан. Менинг амманнинг невараси бор эди, 20 ёшга кирган бола бор эди, хуллас жияним. У ҳам ёлғиз ўғил эди, бечора, дейди нобуд бўлган йигитнинг исмини шахрихонлик Достонбек деб таништирган Давронбек. Самара – Уралск трассасида меҳнат муҳожирлари кетаётган автомобиллар тўқнашганини Озодликка тасдиқлаган Самара вилояти Давлат Автомобил инспекцияси ходими Олга Писарева жароҳат олганлар орасида Тожикистон фуқаролари ҳам борлигини билдирди:

- ВА3-21099 автомобилени бошқараётган 1981 йили туғилган ҳайдовчи Самара-Болшая Черниговская йўлининг Қозоғистонга кетиш тарафида 152-километрда қарама қарши йўлга чиқиб кетган ва Қозоғистон тарафидан келаётган ВА3-2115 автомашинаси билан тўқнашиб кетган. Автоҳалокат эрталабки соат 4 ларда содир бўлган. Натижада ВА3-21099 автомашинаси ҳайдовчисидан ташқари орқа ўриндикда ўтирган 1988 йилда туғилган йигит вафот этди. ВА3-2115 автомашинасида ҳайдовчидан ташқари орқа ўриндикда ўтирган 1993 йилда туғилган йигит ва туғилган йили аниқланмаган яна бир шахс нобуд бўлди, дейди Самара Давлат Автомобил назорати инспектори. Олга Писарева тўқнашган маши-

налардан бири Қозоғистон чегарасига, иккинчиси чегарадан ичкарига қараб келаётгани ва ичкарига қараб келаётгани ҳамда тожикистонлик меҳнат муҳожирлари ўтирганини тасдиқлади.

Инспекциядан олинган маълумотларга кўра, аварияга учраганлардан қолган 6 киши Болшечерниговский марказий ва Самара шаҳар шифохоналарига олиб кетилган.

Самара автомобил инспекциядан олинган маълумотларга кўра, “99” автомобилни Отабек Ҳайитов исмли йигит, “15” ни эса Валерий Жуковский бошқарган.

Самарага қайтаётган ВА3-2115 нинг орқа ўриндиғида Озодликка кўнғирок қилган Давронбекнинг жияни шахрихонлик Достонбек Омонов ва унинг дўсти Бахромбой Авазмуротовлар ўтиргани аниқланди.

“Автоинспекция ходимлари ҳалокат жойига санитар авиациясини чақиртирган ва уч нафар энг оғири Самарадаги Калинин номидаги шифохонага олиб кетилди”, дейди Озодлик билан суҳбатлашган Болшечерниговский туман марказий шифохонаси хирург Лилия Савелева.

- Бизда ҳозир бир нафари қолди улардан. Доктор унга ҳозир ҳам жавоб бериш мумкин, деяпти. Бошқа сменада эди, бир киши ўлиб қолди, қолган уч оғир аҳволдагиларни Самара шаҳрига юбордик. Бу уч кишининг жароҳатлари жуда оғир. Масалан, 1982 йилда туғилган йигитнинг жағи, бош суяги синиб кетган, кўкрак қафаси бир нечта жойдан, қўл-оёқлари синган, мия чайқалган. Шифо беришини тилаб қоламиз, дейди шифохонага тушган 6 кишидан учтасининг аҳволи оғир қолаётганини айтган шифокор.

Шифохона ходими Самара-Уралск автотрассаси маҳаллий аҳоли орасида беҳосият ҳисобланиши ва айнан шу ерда тез-тез мудҳиш автоҳалокатлар бўлиб туришини кўшимча қилди.

Бугун Андижонда икки мингга яқин киши кўчаларни тўлдирди, улар 2011 йил бузиб юборилган уйларни эвазига товон (компенсация) талаб қилмоқдалар, – кўзғолон ўрни ўраб олинган, шаҳарга ички қўшинлар тортилган, дея хабар беради Узньос.нет.

Андижондаги алданган уй-жой эгаларининг сўнги икки ҳафта ичида бу иккинчи кўзғолонидир. Намойишлар шаҳарнинг Куйган-ёр районида бўлмоқда. Икки мингга яқин одам вилоят касалхонаси ва яшил кўприкни боғловчи трассани тўлдириб юборган.

Намойишчилар уй-жойсиз бундай яшаш жонига тегганини айтмоқдалар. Уйларини бузиб

АНДИЖОНДА ЯНА ҚЎЗҒОЛОН

юборгач, ҳокимият уларнинг бир қисмини пахтачилик институти ётоқхонасига, бир парчасини бир коллеж ётоқхонасига жойлаштирган, қолганлар эса қариндош-уруғларига боришган. Андижон вилояти ҳокими Аҳмаджон Усмонов намоийишчилар билан учрашган, ва ҳар бир уй учун 50 млн. сўм (қора бозор курсига кўра 17 500 доллар) тўланишини айтган. Намойишчилар ҳоким сўзларини қувончсиз қабул қилганлар, ва ҳокимлар яна алдаб кетишини тахмин этмоқдалар.

УХХ хабар маркази



БАЛАНДПАРВОЗ ПАСТЛИК

(Давоми боши 2-бетда)

Биринчи қисм хулосаси шу: ОДАМЛАР УЛАР ҚАДРЛАГАН НАРСАЛАРНИ МЕНСИМАСАНГИЗ, СИЗНИ АСЛО КЕЧИРМАЙДИЛАР. Фикри ожизимча, бизда, 80- йилларда миллий даъво билан майдонга чиққан инсонларда айнан ана шу ҳалокатли менсимаслик рўй берди. Биз мансуби бўлганимиз Адабиёт Ахлининг кадрётларини менсимадик. Улар учун қийматли не-ки бўлса, биз учун бир чақалик кадри йўқ эди. Адабий тотемларидан тортиб, Комсомол мукофотигача – бари биз учун масхара мавзуси эди. “Замон сенга бокмаса, сен замонга бок” мафкура-сига қарши биз “Замон сенга бокмаса гар, сен ҳам бокма замонга”, дедик. Улар каби кўпроқ гонорар олиш учун узун матнлар, дostonлар битишни ўзимизга ҳақорат деб билдик. Ҳатто, (янглишмасам, 1976 йилда) Хуршид Дўстмухаммаднинг уйида – у тирик, тасдиқласин – 7 киши “ким бу мустамлака ҳукуматдан мукофот олса, эркак эмас”, дея онт ичдик. Ва Оллоҳ энг омадиларимизга ичган онтимизни тутишни насиб этди, алҳамдулиллоҳ.

Кейин сиёсатга кирдик, тақдир чизгиси айнан давом этди. 1992 йил 2 июл куни Каримов режими бошлаган репрессияларга нозилики сифатида мен Олий Кенгаш депутатлигидан истеъфо этдим. Ва у ердаги гўё бизнинг сафимизда бўлган сафдошларимизга ҳам истеъфо қилишни тавсия қилдим: “бу ерда қўл кўтар, деса кўтариб, тушир, деса тушириб ўтирадиган кўғирчоққа айланмасдан, номус ва шарафимиз билан кетайлик”, дедим. Улар “сиз хато қиялмасиз, биз кетмаймиз”, дейишди. Ярим йил ўтмай, бу инсонларнинг ҳаммаси камина ўз ихтиёри билан чиқиб кетган Кенгашдан ихтиёрларига қарши ҳайдалдилар. Энди бу инсонлар ҳам биздан нафратланишади. Нега? Чунки ўшанда улар учун қийматли бўлган Олий Кенгашни бир чакага олмадик.

Нафратнинг психологик мотивини иккинчи қисмини шундай ифода-лаш мумкин: ОДАМЛАР УЛАР ҚИЛИШГА ЖУРЪАТ ЭТМАГАН НАРСАЛАРНИ СИЗ ҚИЛСАНГИЗ, СИЗНИ АСЛО КЕЧИРМАЙДИЛАР. Бунга мисол: Бир гуруҳ ёш адибнинг – юкорида ҳам эслатгандик – 1984 йилда ёзган “Полиتبюрога мактуб”и мустақиллик ғоясининг амалга ошишига инонмаганларни ғазаблантирди. Бу ғазабланганларнинг энг машхури Абдулла Орипов эди. “Бу ёшларга нима керак ўзи? Ленин бобо ўрнидан туриб таъзим қилсинми буларга? Ёки атом бомбасининг кнопоксини берайликми қўлларига, нима истайди булар ўзи?”, дея ҳайкирганди у

Ўзбекистон компартияси минбаридан. Яъни биз, 53 та ёш адиб, Орипов тенгдошлари журъат этмаган акцияга қўл уриб, уларнинг нафратини қозонгандик.

1988 йил ёзувчилар каминани Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси котиблигига сайлашди. Ғ.Хотам айтганидек, Абдулла Орипов “ўрнига” эмас, бўш ўрнига сайлашди, чунки А.Орипов у пайт ишдан бўшатиладди. Унинг бўшатилишига менинг ҳеч бир алоқам йўқ. Ҳеч қачон парда орқаси ғийбат, мансаб учун бировларга қарши тухмат тарқатиш кампанияларига қатнашмаганман, гапимни одамнинг юзига гапирганман, орқадан гапиришни ўзимга ор деб билганман. Жумладан, Абдулла Ориповнинг ҳам юзига айтганман у ҳақдаги фикрларимни, яширмаганман. 1980 йилда у “Совет Ўзбекистони” газетасида Ш.Рашидовга атаб “Марказкўмга” деб шеър ёзганида, унга бунинг истеъдодли шоир учун уят эканини айтганман. Шундан кейин мен билан олти ой гаплашмай юрганини дўстлар билишади.

Ғ.Хотамов мени “Орипов ўлса ҳайкал қўямиз”, деди, дея ғийбат қилибди. Ажабо, бу гапини Оллоҳга қасам ичиб айта оладими Хотамов? Агар қасам ичиб, бу гапини такрорласа, мен айтдим деб бўйнимга олишига тайёрман. Кейин бунинг ҳисобини нарийёгда берамиз у билан.

Энди “Орипов ўлса унга ҳайкал қўямиз” деган фантазиядан очикрок бир гапни айтмай: мен Ориповни истеъдодли шеър устаси, аммо принципсиз, зулм олдида тилсиз, нафақат тилсиз, ҳатто зулмни оқлаган, доим халқини оёк учи билан кўрсатган, шуҳрат ва мансаб ишқи билан ёнган, бутун ҳукуматларнинг оёғини ялаб, кун кўрган бир зот деб биламан.

Энди Одил Ёқубовга ўтайлик. Менинг “Одил Ёқубов ишдан бўшасин, мен ўрнига бўлайин” деган гапи энди куракда турмайди-ган, безбетларча қилинган ёлғон. Буни баст(каш)ликнинг энг юкори чўккиси дейиш мумкин. Ёқубовни ишдан олиб ташлашни гаплашадиган бўлсам, сен билан гаплашаманми, эй, муфтарий?...

1989 йил январ ойида СССР Ёзувчилар Союзининг Курултойида нутқ қилиб, қутилмаган таважжух кўрдим, зал узок олқишлади. Сўнгра ёнимга машхур рус шоирлари, Олжас Сулаймон, Онор каби атоқли шоир ва носирлар келиб табрик этди, аммо ўзбеклардан шоир Шукрулло ва ёзувчи Мамадали Махмуддан бошқа ҳеч ким келмади. Чунки камина улар журъат қилмаган нарсаларни билмай айтиб қўйганди.

Бу мажлисда ҳам Одил ака мендан хафа бўлганини Мамадалидан эшит-

дим. Чунки нутқдан таъсирланган баъзи “фаросатсизлар” Одил Ёқубов номзоди кўрсатилган СССР депутатлигига менинг ҳам номзодимни кўрсатишга уринишган.

Гапнинг қисқаси, одамлардаги бу мажрух комплексни 20 июн 1990 йилда Олий Кенгашга “Мустақиллик декларацияси”ни кўтариб чиққанимизда ҳам, 1992 йилда Каримовнинг “ҳукуматга киринг” деган таклифини рад этганимизда ҳам кўрдик. Бу икки ҳолатда ҳам одамлар бизни кечирмадилар. Мана, энди бу комплекс соҳибларининг Ёқубов билан орамизда рақобат, кўролмаслик бўлганлиги ҳақда миш-миш ва суий-зонларини ўқиб ҳайратга тушиб ўтирибмиз. Каминанинг Одил Ёқубов билан ҳеч қандай олди-бердиси бўлмаган, на у билан рақобат, на унга ҳавас бўлган. Иснод этилган “оёғидан чалиш” сўзи камина учун энг тубан ҳақоратдир. Кин сақлаш табиғатимиз бегона, фикрим бўлса, инсонларнинг юзига айтганман. Одил Ёқубов ҳам бундан истисно бўлмаган. Одил Ёқубов бу “хотиралар”ни, мухлислари айтаётгандай, маъқуллаган бўлиши мумкинми? Мумкин.

Ёқубов умрининг охириги йилларида ҳукуматнинг унга лоқайдлигидан музтариб эди. “Озодлик” радиосига берган интервьюларидан бу аламзадалик доим сезилиб турди. У кўпчилик ёзувчилар қатори 1999 йил феврал портлашларига баҳо беришда ҳукумат тарафида туриб, “ватан хоинлари”ни (улар рўйхатидаги илк исм камина эди) кескин қоралаган бўлса-да, Каримов оқсоқол ёзувчимизнинг сайъ-ҳаракатларини сезмади ёки сезмаганга олди. Одил Ёқубов “ватан хоинлари” ҳақда Абдулла Орипов каби жазавага тушмаса ҳам, нафратини баҳоликудрат ифода қилиб турди. Ўша машъум февралда менинг учта укам билан бирга Одил Ёқубовга доим содиқ бўлган ёзувчи Мамадали Махмуд ҳам хибсга олинди. Мамадалининг ҳимоясига ёзилган мактубга имзо чекишдан бош тортган Одил Ёқубовнинг “Мамадали ўзи аҳмоқ эди”, дегани бизга қутилмаган зарба бўлди. Аммо Оллоҳ рози бўлсин, устоз Шукруллоҳ ака ва Гулчехра Нуруллоҳ опамиз бу писган ёзувчилар фониди Мамадали биродаримизни ҳимоя қилишдан қўрмай, мардлик кўрсатдилар.

Барибир, Одил Ёқубов ҳукуматдан садоқатига лойиқ эътибор кўрмади, тушкунликка тушди, боя эслатганим каби, умрининг сўнг босқичи изтироб ичиди ўтди, Оллоҳ гуноҳларини кечирсин.

Биз Одил Ёқубов билан бир-неча йил Ёзувчилар раҳбариятида бирга ишладик.

1988 йил май ойида мен ёзувчиларнинг аксариятининг дастаги билан уюшма котиблигига сайландим.

(Давоми кейинги бетда)

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Бу сайланиш Уюшма раҳбарияти ва ёки ҳукумат хайрихоҳлигининг натижаси эмас, аксинча, уларга қарама-қарши бир жабҳанинг ҳаракатлари ҳосиласи эди. Уюшма тарихида коммунист бўлмаган ҳолда ҳарбарликка сайланган илк киши эдим. Бу ғайрикоммунистни сайланганлар 1980 йилларнинг ўрталаридан бошлаб, миллий масалаларни кўтаришга журъат этган ёш шоир ва ёзувчилар ва уларга хайрихоҳ катта ёшдаги адиблар эди. Нега айнан мени сайладилар? Валлохи, бунда менинг гуноҳим йўқ. Балки, бу “сайланиш”га ўша даврда Москвада босилган мақолаларим ва бошқа фаолликлар замин ҳозирлагандир. Яхшиси, бу даврнинг ҳолис баҳосини тарихчилар берсин.

Одил Ёқубовга келсак, бу кишига мен доим ҳурматда бўлганман. Унинг раҳбарлик мақомини задалайдиган бирор ҳаракат қилганим йўқ. Одил Ёқубов менинг дўстим Мамадали Маҳмуд воситасида камина ҳақда баъзи манфий таассуротларини менга етказиб турган. Буни доим ҳисобга олишга ҳаракат қилдим.

Ёқубовнинг каминадан илк ранжиши, янглишмасам, Уюшмага ишга келганининг иккинчи ҳафтасида юз берди. Менга таъсис этилган котиблик кабинетини ислоҳ этаркан, креслом узра осилиб турган Ленин портретини олиб, ўрнига жадид Абдулхамид Чўлпон портретини осиб қўйдим. Бу портретни 1985 йилда рассом дўстим Ислом (Вячеслав) Охуновга илтимос қилиб чиздирган эдим. Ўша даврнинг руҳига уйғун, романтик бир портрет эди. Одил Ёқубов бу портретнинг Уюшма фаолиятига зарар беришини, Марказқўмнинг газабини кўзгашини айтди ва Ленин портретини ўрнига қўйинг, деди. Мен бу истакни юмшоқ бир шаклда рад этдим.

Одил аканинг каминага нисбатан иккинчи ҳафагарчилиги бизни Марказқўм Биринчи Котиби Рафиқ Нишоннов чақиргандан кейин пайдо бўлди. 1989-йил февралда Ўзбекистон Олий Советининг анчагина депутати Совет Иттифоқи Олий Советига сайланди ва ўзбек ҳукумати бўшаган ўринларга сайлов эълон қилди.

Ўзбекистон ҳукумати одатдагидек, сайланиши лозим бўлган депутатларнинг рўйхатини тузди. Бу рўйхатга каминанинг ҳам номини киритишган эди. Менинг ҳали бу “сюрприз”дан хабарим йўқ эди. Бир куни эрталаб Ёзувчилар уюшмасининг Компартия котиби Иброҳим Раҳим, Одил Ёқубов бирга Марказқўмга чиқдик.

Ўзбекистон Компартияси Биринчи Секретари Рафиқ Нишоннов, Марказқўмнинг 2-котиби Владимир Анишчев, 3-котиби Мутал Холмухаммедов қаршилади. Рафиқ Нишоннов каминани республика

БАЛАНДПАРВОЗ ПАСТЛИК

Олий Кенгаши депутатлигига тавсия этди. Аммо мен “депутат бўлиш ниятим йўқ, мабодо бўлганида, халқ тарафидан кўрсатилишимни афзал кўрардим”, деган баҳона билан таклифни қабул этмадим. Одил Ёқубов, эса биз “бу масалани ҳал қиламиз, ҳаммаси жойида бўлади”, дея сўз берди. У йўлда менинг хато қилганимни айтди, депутатликни қабул қилишим кераклигини, акс ҳолда, Уюшмага тазйик бошланиши мумкинлигини айтди, аммо мен қабул қилолмаслигимни айтиб, ундан узр сўрадим. Албатта, бу Нишонновга “ҳаммаси яхши бўлади”, деб ваъда берган Одил Ёқубовнинг нафсониятига қаттиқ теғди. Уюшмада раҳбар бўла туриб, бир котибга айтганимни қилдиrolмадим, деган бир руҳи-ҳолия ичида эди ва ўзича ҳақли эди. Лекин бунинг бир куни кинга айланиб, Одил Ёқубов ихлосмандларининг “хотиралари”га мавзу бўлади, дея хаёлимга ҳам келмаганди.

Албатта, хом сут эмган бандамиз, нуқсондан иборатмиз. Нуқсонларимиздан биттаси одамлар билан унсиятдаги нуқсон эди. Биз патологик тарзда ўз мустақиллигига боғланган кимсалар эдик. Бу боғлиқлик бошқаларни ўйламаслик, худбинлик даражасида эди.

Бу ҳам етмаганидан, тўғрисиқўлимиздан ғурурлардик. Тўғрисиқўлни айтаяпман, деб бировларни хафа қилганимиз кўп бўлган. Ҳолбуки, жамиятимиз мустақил инсон каби, тўғрисиқўни ҳам кечирши учун тайёр эмас эди. Кўриниб турибди, бугун ҳам тайёр эмас. Аммо гапиришга тўғри келади.

Одил Ёқубовгача Ёзувчилар Уюшмасига раиси Ўлмас Умарбеков эди. Уни бу мақомга Марказқўм котибаси Р.Абдуллаева келтирганди. Юмшоқ табиатли, ўртамиёна зақо соҳиби, яхши одам эди. Аммо уни Марказқўм қўйгани учун бу кишига қаршимиз манфий бўлган. Адабиёт ва санъат газетасининг муҳаррири Одил Ёқубов анча либерал тушунчали, очик лаганбардорликдан йироқ бўлгани учун уюшма раслигига унинг номзодини ўтказиш учун яхшигина курашдик. Бизнинг тенгқурлар ичида унинг номзодига фақат Шавкат Раҳмон қарши эди ва сўнгигича қарши бўлиб қолди.

(Шавкат раҳматли анъанавий ўлароқ Сарвар Азимов тарафдори эди). Одил Ёқубов раис сайлангандан кейин эски гуруҳ ва кланлар узун нафасли ҳокимият марофонининг янги пойгасига старт бердилар. Бу Лазиз Каюмов, Ҳафиз Абдусаматов ва ҳоказолар гуруҳи, Эркин Воҳидов ва Ўткир Ҳошимов гуруҳи, Сарвар Азимов гуруҳи ва янги раис Ёқубов атрофида уймалашган гуруҳ. Биз гарчанд

Одил Ёқубовни қўллаган бўлсак-да унинг гуруҳига яқин эмасдик. Бизнинг гуруҳ (агар гуруҳ дейиш жоиз булса) гуруҳларнинг энг кичиги эди: Миразиз Аъзам, Рауф Парфи, Чўлпон Эргаш, Иброҳим Ҳаққул, Аҳмад Аъзам, Олим Отахон, камина, ҳали танилмаган ўн-ўн бештача истеъдодли ёш шоир ва шоиралардан иборат эди. Бу гуруҳда на котиблик, на-да раисликни орзу қилган бор эди. Ҳокимият марафони 1990 йилга келиб, номенклатурага яқин Эркин Воҳид гуруҳининг устунлигини намойиш эта бошлади.

Мен ЭРК партияси билан машғул эдим, Уюшма ишларига вақтим деярли қолмаганди. Бунинг устига гуруҳларнинг ғийбати ва бир-бирига нафрати орасида яшаш чарчатганди. Шу боис, уюшма Курутойида котиблигидан истеъфо қилдим.

Тишларини ғижирлатиб ҳокимият учун талашаётганлар энгил нафас олдилар. Кўп вақт ўтмай, уюшма иккига бўлинди, фитна яна-да авж олди. Ва мен ёзувчилардан тамоман узоклашдим.

Бугун хотиралар ёзиб, кинларини қўсаётган комплексли кимсалар қандайдир маънода ўша мағлубият кунларининг интиқомини ҳам олмоқдалар.

Ҳолбуки, камина на уларга, на-да уларнинг рақибларига алоқам бор. Ҳар иккала уюшма халқ дардидан узок уюшмалар эди.

Баҳсимиз мавзуи бўлган тоифалар мамлакатнинг муҳим воқеаларининг ҳеч бирисига ўз муносабатини билдирмаган, билдиришдан қўрққанлар. Улар куч тарозисининг паллалари қай тарафга оғса, ўша тарафга оғишга доим тайёр турганлар. Парда орқасида пичир-пичир – уларнинг ҳайкиригидир.

Тарих буларнинг Андижон воқеаларида халқ тарафини олиб, норозилик бидирганини ёзмажак, албатта. Чунки улар норозилик билдирмадилар. Улар халқ ўққа тутилаётган пайтда, балки, Дўрмон ишратгоҳида кайфу-сафо сураётгандилар. Режимдан норози муҳолифат устидан қулиб, истехзоли матнлар тузаётган эдилар. Тарих бўлган нарсаларни ёзадиган фан эса, буларни ёзajak. Чунки тарих инсонларнинг хотиралари эмас, халқнинг хотирасидир.

Муҳаммад Солиҳ

P.S. Ўзини “ёзувчи” деб тақдим қилаётган Ф.Хотамовнинг бу фасод гуруҳига ҳеч бир алоқам бўлмагани ҳолда, манфаатларимиз кесимидагани ҳолда, шахсимга қарши бу қадар тубан ифтиролар қилинаётган экан, бу мағзава “қисса”да тилга олинган бошқа таниқли кишилар ҳақда айтилган гапларнинг ёлғон ва тўхмат эмаслигига ҳеч қандай қафолат йўқ.

ТАБИЙ ДОРИ - ДАРМОНЛАР

(Давоми: Боши ўтган сонларда)

Пиёз *Allium cepa*

Қурук пиёз ўзида кучли антисептик моддаларни мужассамлаштиргани учун туберкулез билан бирга барча юқумли касалликларга фойда беради. Қондаги қандни, сарикликни кеткази, хайз ва сийдикни тўқади, сўлак безларининг нормал ишлашини таъминлайди, ошқозон, иммунитет тизimini ва ичакларни қувватлантиради. Янги пиёз табиий антимутагенларнинг энг кучлиси бўлиб, генетик мутацияга қарши чидамликни орттиради. Янги пиёз ейишни хоҳлаганлар иккиланмасдан ейишлари керак. Соғлом киши бунга эҳтиёж ҳис қилмайди. Саримсоқ ва пиёзнинг ҳидини кетказиш учун чиннигул, қардамон, ялпиз, петрушка ва арпабодиён чайнаш мумкин, тишлар мисвоқланади.

Пайгамбаримиз (с.а.в.): “Бир жойга борган киши ўша ернинг пиёзидан есин, у ернинг касалликларидан омонда бўлсин”, деганлар. Аммо пиёз ёки саримсоқ еб, масжидга бориш тўғри эмас.

Бурунга томизилган пиёз суви тумовни тозалайди, грипни тўхтатади, бош оғриғини енгиллаштиради. Қулоққа томизилган пиёз суви қулоқ яллиғлигини қуритади, бош ва тиш оғриқларига ҳамда қулоқ шанғиллашига фойда беради.

Сув ёки гўшт сувида пиширилган пиёз ейиш сарик касаллигига фойдали. Пўстлари билан печё ёки қулда пиширилиб, бўтқа ҳолидаги пиёз яралар, куйган, чиққан, тортишган ва лат еган жойларига сурилса даволайди, ярага ўхшаган газаклаган шишларга сурилса, газакни йўқотади.

Ҳайвон ёки инсон тишлаган жойлар ва ярага, янги сиқилган пиёз суви + туз қоришмаси билан боғланади. Бу муолажа ярани инфекциядан асрайди, қисқа вақтда ёпилишини таъминлайди. Йўтал ва нафас сиқишларига қарши: Бир пиёз яхшилаб майдаланади, 100 гр асал билан аралаштирилиб, 3 соат қутилади. Сўнг сузилади ва кунига 3-5 марта бир ош қошиқдан ичилади.

Ёки: Пиёз суви ва табиий асал тенг миқдорда аралаштирилиб, эрталаб ва кечкурун 50 граммдан ичилади. Бюргер ва Рейно касалликларига (артерия томирларининг торайишини тўхтатиш учун):

Чимланган пиёзнинг ичи олиниб, суви сиқилади, айна миқдорда сув билан аралаштирилиб, ичилса, турли сабаблардан ташқари торайган артерияни очади.

Буйрак яллиғлишига:

Хурмо уруғлари қовурилиб, туйилади ва бутун пиёзнинг ичи ўйилиб, тўлдирилади. Печда пиширилади ва ҳар кун бир донадан ейилади.

Эгзамага: Пиёз суви ва жамбул суви тенг миқдорда аралаштирилади. Эгзама бўлган жойларга сурилади.

Ёки: Пиёз суви ва олма сиркаси тенг миқдорда аралаштирилиб, эгземали жойларга қўйилади. Сирка қанчалик қувватли бўлса, шунчалик яхши. Юқоридаги қоришмага ўхшаб ишлатилади.

Кўз касалликларига:

Янги сиқилган пиёз суви кунига 1-2 марта кўзга томизилса, кўзни тозалайди, қувватлантиради ва янги ривожланаётган катарактани эритади.

Ёки: Пиёз суви ва асал тенг миқдорда аралаштирилиб, кўзга томизилса, яллиғлигини кеткази, томир қопламаларини эритади, кўз ҳароратини туширади, бундан ташқари, катарактанинг олдини олади ва даволайди.

Эски, яллиғланган яраларга:

200 гр саби суви 30-50 гр пиёз суви аралаштирилиб, эрталаб ва кечкурун ичилади, бу муолажа 20-40 кун давом эттирилади. Қон ва терини тозалайди, юз рангини гўзаллаштиради, ошқозон ва ичак яраларини ёпади.

Бу малҳам ич органларининг пардаларида ҳосил бўлган куйдирилган порохга ўхшаган бир модда чиқаришга ёрдам беради. (“Эндрометриоз” бўлимига қаранг.)

Бир пиёз эзилади, тенг миқдорда асал билан аралаштирилиб, яраларга сурилади.

Туз Ҳадиси шарифда: “Таом ейишни туз билан бошлаган кишидан Аллоҳ 330 хил касалликни узоқлаштиради.

Бу касалликлар - жиннилик, мохов, ичак бузилиши ва тиш оғриғи. Қолгани Аллоҳнинг олий илмида гизлидир.” дейилган.

Туз деганда бугунги тозаланган ош тузи (NaCl, натрий хлор) эмас, табиий, қайта ишланмаган тоғ (тош) тузини ёки денгиз тузини тушиниш керак. Бу тузлар таркибида йод, магний, калий, цинк, силикат каби инсон соғлиги учун керакли макро ва микроэлементларни мавжуд.

Тош тузи, денгиз тузи, Ҳиндистон (гималай) тузи каби тузлар - табиий тузлар ҳисобланади. Булар ва булар каби тузлар ичакларни тозалаб, ич кетишини тўхтатади, ич қотиши ва турли ҳидларни кеткази, ошқозон кислотаси ишлаб чиқарилишига ёрдам беради, тиш тошларини тозалайди, сафро ва балғамни тўқади, яраларни тозалайди ва қуритади, милк ва талокни қувватлантиради, терини гўзаллаштиради. Зайтун ёғи билан туз куйган жойга қўйилса, газаклашининг олдини олади.

Тананинг тузга бўлган эҳтиёжи кунда 10-12 граммдир. Бу миқдор туз бир бўлак гўштда, 3 дона зайтунда ва кундалик нонларда мавжуд.

Рафина туз тузланган сабзавотларнинг, иссиқ таомнинг сифатларини бузади.

Табиий туз сувли таомларга пишириш сўнгиди, картошка пишира бошлаганда, бақлажонларга юмшаганидан кейин қўшилади. Гўшт, балиқ ва сабзавотларга қовурилишидан аввал, картошкага эса қовурилиш охирида туз қўшилади. Қоразирворлар қўшилганида тузни камроқ ишлатиш керак. Таомларга туз билан бирга бироз шакар қўшилганида таом таъми янада ширин бўлади.

Рафина этилган, қўшимча моддали туз барча қўшимча моддали таомлар каби соғлиқ учун зарарли ва табиий туз ўрнини боса олмайди. Рафина туз пайдо бўлиши билан инсонларда бўқок касаллиги кўпайди.

Ош тузига қўшилган қўшимча моддалар: Алюмин гидроксид (E173): ранг берувчи ва нам тутувчи сифатида қўлланилган қўшимча модда. Заҳарлидир ва қўшимча моддаларни ўз ичига олган барча моддага қарши юксак сезувчанликка сабаб бўлади. Дунёнинг кўп мамлакатларида таъқиқланган. Алюминий асосида нам тутувчи моддаларнинг мия тўқималарига жойлашиб, ўрганишнинг бузилишига, заковатда ортда қолишга ва фалажларга олиб келиши аниқланган. Ваёки Титанидиоксид нанопарчалари нам тутувчи ва оқартирувчидир. (“Қўшимча Моддалар” бўлимига қаранг.) Булар билан бирга йодли тузга калий йоди қўшилмоқда. Калий йодининг йод стабилизатори Натрий тиосульфатдир. Калий йоди жуда зарарли модда бўлиб, тироид безининг мувозанатсизлигига сабаб бўлади. (Натрий тиосульфатининг зарарини ўрганиш учун “Қўшимча моддалар” мавзусидаги “Нитрит-нитратлар” бўлимига қаранг.)

Долчин *Cinnamon*

Катаракта ва кўз қорайишини кеткази, тумов, йўтал, соч тўкилишини тўхтатади. Юздаги хуснбузарлар, қалтираш, бош оғриқларига жуда фойдали. Жигар, бачадон ва буйрак касалликларига самарали восита. Бадан тизимларининг ишлашидаги тартибсизликни кеткази, артерия ва хусусан юрак томирларини очади. Қора чой ва қаҳванинг зарарини камайтиради. Таомларнинг устига ва оқ ундан қилинган хамирга қўшса бўлади.

Долчинни кунига 0,5-1 чой қошиғидан кўп истеъмол қилиш зарарли. Учунчи даражали иситувчи ва қуритувчи бўлгани учун ҳар кун ишлатилмайди. 1-3 ҳафталик курслар олиш ва ҳафтада 1-2 марта чой, қаҳва ва таомларда ишлатиш мумкин.

(Давоми кейинги бетда)

ТАБИЙ ДОРИ - ДАРМОНЛАР

Давоми боши олдинги бетда

Бугун долчин ўрнига табиийга ўхшаш долчин ҳиди глюкоза ёки фруктоза билан аралаштирилмоқда, бу аралашма тайёр таомлар, кондитер маҳсулотлари ва ичимликларда қўлланилмоқда. Бу аралашма диабетга замин ҳозирлайди. Долчин олганда, долчиннинг пўстлоғини танлаш тавсия этилади.

Узум *Grape raisin*


Ҳадиси шарифда: “Курук узум энглар. Зеро о сафрони очади, балғамни кўчиради, асабларни тинчлантиради, қувватсизликни кетказди, ахлоқни гўзаллаштиради. Нафсни қондиради, қайғуни узоклаштиради”, дейилган. Турли микроэлементлар, витаминлар ва органик кислоталар манбасидир. Сийдикни кўпайтиради, ичакларни юмшатади ва дам олдиради, балғамни кўчиради, холестеринни туширади. Бу хусусиятларидан ташқари, ревматизм, буйрак, жигар, ўпка ва бўғим касалликларига қарши истеъмол қилинади. Хом узум ич кетишини тўхтатади, ичаклардаги яраларни ёпади, садаф (псориаз) ва пес (витилиго) касалликларига фойдали. Эрталаб ейилган узум юзни порлатади ва гўзаллаштиради. Узум шарбати қонни кўпайтиради. Янги узум кўп миқдорда глюкоза, калий, В витамини ва кальцийни ўз ичига олгани учун юрак ва асаб тизимларини қувватлантирувчи сифатида ишлатилади. Соч кепаклашини даволашда фойда беради. Пайғамбаримиз (с. а. в.)нинг: “Нон билан майиз еганлар умрларида табибга мухтож бўлишмайди”, деган ҳадисларини ҳамма билади. Лекин ҳозир узум ва майизларга сепилган дорилар соғлиқ учун ҳавфли. Бугун дориланмаган табиий узум топиш қанчалик қийин бўлса, табиий нон (табиий ачитки билан, табиий бугдой унидан тандир нонни) топиш ҳам шунчалик қийин.

Олча *Prunus cerasus*

Анемия, ўпка ва буйрак яллиғланиши билан бирга барча яллиғланишларга, дизентерия инфекцияси, гепатит, сийдик тута олмаслик, ич қотишига жуда таъсирли. Юрак уришларини сокинлаштиради. Йўтални кетказди, сийдикни тўқади, ич кетишини тўхтатади. Олча мавсумида кўзга қунига 1-2 олча суви томизилса, кўриш қуввати ва кўз нурини ортттиради. Олча мавсумида эртдан тушликкача фақат олча ейиш (1-2 кг гача) жуда фойдали. Тушдан сўнг таом еса бўлади.

Кўк чой

Кўк чой кўр ичак (қолон), ошқозон, жигар, ўпка, кўкрак ва тери саратон (рак) ларидан асрайди. Юксак қон босимини туширади, паст қон



босимини кўтаради. Қонни тозалайди, юрак ва асаб тизимини дам олдиради. Концентрация (фикрни бир жойга жамлаш) қобилиятини ижобий томонга йўналтиради. Таомдан аввал ёки ундан алоҳида асал билан ёки ўзини ичиш мумкин. Фақат кўк чойни 1 дақиқадан ортикча дамламаслик керак, акс ҳолда фойдали хусусиятларини йўқотади. Хушбўй (табиийга ўхшаш ҳиди билан) яшил чой ишлатмаслик керак. (“Зехни бошқариш” бўлимига қаранг.)

Занжабил *Zengiber officinale*

Жигар, ошқозонни иситиб, қувватлантиради, ҳазми осонлаштиради, ичакларни кучли қилади, қусишнинг олдини олади, ошқозондаги балғамни парчалайди ва яллиғланишни кетказди. Қон босимини нормаллаштиради, қон айланишини яхшилайдди, терлатади ва иссиқни туширади. Жинсий орзуларни амалга оширади. Давомий занжабил истеъмол қилиш саратон (рак)нинг олдини олади. Ичак касаллигига дучор бўлганлар, кўричак жарроҳлигини ўтказганлар занжабил қуқунини чой, сут ва таомлар билан бирга қунига 2 гр. гача (1 чой қошиқ) истеъмол қилишлари мумкин. Оқ ундан қилинган ширинликлар, нон ва нон маҳсулотларига занжабил қўшилса, зарарини камайтиради. Янги занжабил кирғичдан ўтказилиб, асал билан айна миқдорда қориштирилади ва ҳар куни таомдан аввал 1-2 қошиқ ютилади. Ёки янги занжабил суви қунда 1-2 қошиқ ичилади. Таомдан аввал ёки ҳазми қувватлантириш учун таомдан сўнг ҳам ичиш мумкин. Ошқозон ачиши ва жиғилдон қайнашини кетказиш учун ва ҳазмсизликка қарши таомдан аввал ёки кейин янги занжабилни тишлаб ейиш керак.

Зайтун дарахти *Olea europaea*

Зайтун баргини чайнаш оғиз яраларига фойдали. Зайтун баргини қайнатиб, суви билан ғарғара қилиш

тиш миликларни қувватлантиради ва тиш оғриқларини кетказди. Ичиш эса юқори қон босимини ва қондаги қандни туширади.

Зайтун ёғи

Қун ора соч тагига зайтун ёғи суриш соч тўкилишини тўхтатади, сочни қувватлантиради, оқ сочларни тўқади, бош оғриғини енгиллатади. Эски зайтун ёғи билан бел ва бўғимларни массажа қилиш бўғимларни юмшатади ва оғриқларни камайтиради. Сарамас ва аллергия тери тўкилишларига зайтун ёғи сурилса, тўкилиш озадия, геморройга сурилса, оғриқни тиндиради ва яхшилайдди. 1 ҳовуч майиз 1 литр сув ичида қайнатилиб, сузилади, бу сув 200 гр эски зайтун ёғи билан аралаштирилиб, клизма қилинса, қалин ичак яраларига, геморрой, парапроктит номли қалин ичак фистулинига фойда беради. Зайтун ёғи билан массажа қилиш мускулларни юмшатади, кўзга суриш кўзни қувватлантиради, қулоққа томизиш қулоқни тозалайди, терига суриш терини порлатади, юмшатади, гўзаллаштиради ва ажинларни йўқотади. Бўтакўз, жамбул, майдаланган седана ёки арпабодён билан аралаштириш зайтун ёғи фойдасини ортттиради. Қерак жойга ва сочга сураётиб, зайтун ёғига бир томчи бинафша, гул ва шунга ўхшаш хушбўй ёғлар қўшиш мумкин. Зайтунёғи ичилса, жигарни юмшатиб, тозалайди, сафрони ортттиради, жигар оғриқларини кетказди ва ишлатади, сариқ касаллигидан даволайди, ичакларни дам олдиради, ошқозонга куч беради, яраларини ёпади, гижжаларни туширади, геморройни йўқотади, томирларни очади, холестерин ва қондаги қандни туширади, иммунитетни оширади. Ҳам ичилиб, ҳамда клизма қилинса, ичак тикилмаларини кетказди. Зайтун ёғидан максимум фойда кўриш учун таомни ёғсиз пишириб, устига зайтун ёғи қуйиш керак.

ОЙДИН СОЛИҲ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)

ERKIN YURT

www.uzxalqharakati.com

“Эркин Юрт” интернет-газетаси
Муस्ताқил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.

Масъул муҳаррир
Қамолитдин Йўлдош